




# XASR



ЎТМОИҲ-  
СИЙОСИЙ ГАЗЕТА

Газета 2004 йил 1 январдан  
чиқа бошлаган.

2011 йил 18 август, пайшанба  
33 (405)-сон,  
E-mail: axborotXlasr@yahoo.com  
web sayt: www.21asr.uz

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI



## БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!



**АГАР 1991 ЙИЛНИНГ 19 НОЯБРИДА  
ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «МУЛКНИ ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН  
ЧИКАРИШ ВА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ  
ҚОНУН ЎЗБЕКИСТОНДА МУЛК ВА МУЛКҲИ МУНОСАБАТЛАР  
УЧУН МУСТАҲКАМ ЗАМИН ЯРАТГАН БЎЛСА,  
1994 ЙИЛНИНГ 21 ЯНВАРИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН  
«ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ,  
ХУСУСИЙ МУЛК МАНФААТЛАРИНИ ХИМОЯ ҚИЛИШ ВА  
ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ  
ТЎҒРИСИДА»ГИ ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ БУ СОҲАДА  
ТУБ БУРИЛИШ ЯСАГАН ЭДИ.**

### Ўзбекистон мулкдорлар мамлакати

**Маълумки, собиқ иттифоқ даврида жамиятнинг сунъий тарзда синфларга бўлингани, уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш, хусусий мулкни йўқотиш гоёси қандай оғир оқибатларга олиб келгани ҳеч кимга сир эмас**

Жамиятда мулкка, мулкдорларга нисбатан ижтимоий ёт, зарарли қатлам сифатида қаралгани эса "мулк — ҳаммаики, айна пайтда ҳеч кимники" деган аянчли ҳулосани келтириб чиқарди.

Шу ўринда мустақилликка эришган дастлабки йилларимизда қандай мамлакатимиз келажagini, давлатимиз ва жамиятимизнинг сунъий-ижтимоий қурилишини белгилашда, биринчи навбатда, Конституция-

мизда мулк ва мулк ҳимояси муносабатлари ҳақидаги принципиал масалага Юртбошимиз алоҳида эътибор қаратганларини таъкидлаш жоиз. Натيجида Конституция ва қонунчилигимизда хусусий мулк устуворлиги му-

стаҳамланиб, унинг Конституциявий кафолатлари таъминланди. Мутахассислар ислохотларнинг кейинги босқичида қабул қилинган 400 дан зиёд қонунлар ҳам иқтисодиётни янада либераллаш-

тириш ва модернизация қилишда нафақат мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлганини, балки бозор ислохотларнинг кейинги босқичида қабул қилинган 400 дан зиёд қонунлар ҳам иқтисодиётни янада либераллаш-

2 >>>

## Истиқлол неъмат

— Ўтган 20 йил давомида қишлоқ мулкдорлари эришган барча натижалар фақат истиқлол берган имкониятлар туфайлидир, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси «Азим Шофиркон юлдузи» фермер хўжалиги раҳбари Азим Латипов

Ораимизда шундай инсонлар борки, улар учун юрт равнақи, эл фаровонлиги йўлида сидқидилдан хизмат қилиш олий саодат саналади.

Бугунги кунда «Азим Шофиркон юлдузи» фермер хўжалиги тасарруфидан 475 гектар ер майдони бўлиб, шунинг 316 гектарида дон, 151 гектарида пахта, 8 гектарида сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштирилади. Мустиқиллик туфайли яратиб берилган кенг имкониятлар ишлаб чиқаришни жадал ва барқарор ривожлантиришда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Дейлик, 2010 йилда етиштирилган ғалла ҳосили 1980 тонналик

тош босди. Шу ҳисобдан 100 млн. сўм соф фойда олинди. Пахтачиликдаги натижалар ҳам чакки бўлмади. Бошқача айтганда, 433 тонна миқдоридagi санаот хом ашёси жамoa аъзоларига 50 млн. сўм нақд фойда келтирди. Жорий йилда дон ҳосилдорлигини янада оширишга эришилди. Яъни, вилоятнинг осмонўпар ғалла хирмонида фермер хўжалигининг 1600 тонналик улуши бор. Моддий манфаатдорлик ҳам шунга яраша.

Пахтачиликда рентабеллик даражаси 30, ғаллачиликда эса 26 фоизга кўтарилди. Амалдаги йилда пахта ҳосилдорлигини гектар бошига 40 центнерга етказиш ва жами 600 тонна сифатли хом ашё тайёрлаш кўзда тутилмоқда. Меҳнат нишонлари

ҳозирданок кўзга ташланиб турибди: хар туп гўзада йигирма ва ундан ортиқ гул, кўсак бор. Албатта, ҳосил қанча мўл бўлса, бундан хўжалик ҳам, жамoa аъзолари ҳам шунча кўп манфаат кўришади.

— Халқимиз ерни бежиз хазинага, сувни эса гавҳарга ўхшатмаган, — дейди А.Латипов. — Асл ҳақиқат таққослашда яққолроқ намоён бўлади. Хўжалигимиз майдонлари жойлашган Султонобод массивида об-хаёт чиндан-да гавҳарга қиёс этгулик. Шу боис унинг ҳар қатрасидан тежаб-тергаб фойдаланиш талаб этилади. Боз устига аксарият экин майдонларида тупроқ унумдорлиги паст, чор атроф теп-текис даштликдан иборат.

2 >>>

## Истиқболли соҳа депутатлар муҳокамасида

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси томонидан Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси билан ҳамкорликда «Асаларичилик соҳасига оид қонунчиликни такомиллаштириш масалалари» мавзусидаги давра суҳбати ташкил этилди

Унда алоҳида таъкидланганидек, бугун мамлакатимизда асаларичилик билан шуғулланаётган субъектлар сони 7010 та бўлиб, жорий йилнинг олти ойидагина 1109 та ана шундай янги субъект фаолият кўрсата бошлаган. Депутатларнинг қайд

этишича, юртимиздаги шахсий ёрдамчи деҳқон хўжалиқларининг 6374 таси, фермер хўжалиқларининг 667 таси, ўрмон хўжалиқларининг 69 тасида асаларичилик йўлга қўйилган. Уларда мавжуд асалари оилалари сони 252 мингдан зиёд бўлиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисба-

тан 38 мингтага кўпдир. Асаларичилик субъектларига қулай шароит ва имкониятлар яратилгани учун 2010 йилда 2840 тонна асал ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткичнинг 4 минг тоннага етиши кутилмоқда.

2 >>>

БУГУНГИ СОНДА:

## Лоқайдлик партияни реал ҳаётдан узоқлаштиради

ХўШ, НЕГА О'ZLIDEP ВИЛОЯТ КЕНГАШИ МУТАСАДИЛАРИ ЁКИ БОШҚА КЕНГАШ АЪЗОЛАРИ САМАРАҚАНД ШАҲАР КЕНГАШИНING БУНДАЙ САМУРАСОЗЛИГИГА ЭЪТИБОРСИЗЛИК БИЛАН ҚАРАБ КЕЛДИЛАР? ЁКИ УЛАР ШАҲАР КЕНГАШИ ФАОЛИЯТИДАН, ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ ИШИДАН БЕХАБАРМИДИЛАР? БУНДАЙ ЭЪТИБОРСИЗЛИК, ЭНГ АВВАЛО, ВИЛОЯТ КЕНГАШИ МУТАСАДИЛАРИНИНГ, СЕН МЕНГА ТЕГМА, МЕН СЕНГА ТЕГМАЙМАН, ҚАБИЛИДА ИШ ТУТИШЛАРИНИНГ ОҚИБАТИ ЭМАСМИКИН? 05 >

### Байрам туҳфалари

Жиззах вилоятининг Мирзақул тумани «Гулзор» қишлоқ фуқаролар йиғини худудидаги 19-мактабда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан янги замонавий спорт зали қуриб битказилди. — Спорт зали мамлакатимиз мустиқиллигининг 20 йиллик байрами арафасида ўқувчилар ва қишлоқ ахлига катта совға бўлди, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Бахит Ережепов. — Қишлоғимиз ахли фарзандларимизнинг баркамол вояга етишлари учун давлатимиз томонидан кўрсатилаётган доимий ғамхўрликдан беҳад миннатдор. Вилоятнинг Бахмал, Дўстлик ҳамда Жиззах туманларидаги тўрт мактабда ҳам мазкур жамғарма маблағи ҳисобидан янги спорт заллари ва кўшимча бинолар қурилмоқда. Ушбу спорт иншоотлари энг улуг, энг азиз байрамимиз арафасида фойдаланишга топширилади. (ЎЗА)

## Фракция қонун лойиҳасини тадбиркорлар иштирокида кўриб чиқди

Кеча Бухоро шаҳрида О'zLiDeP фракцияси аъзолари «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсатномалар бериш тартиб-қоидалари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини халқ депутатлари Бухоро вилояти ва туманлари кенгашларидаги депутатлар, маҳаллий тадбиркорлар иштирокида атрофлича муҳокама қилдилар

Депутатларнинг фикрича, ўрта қатлам вакилларини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилаётган қонун лойиҳалари муҳокамасига жалб этиш уларнинг мукамаллигини таъминлаш баробарида амалдаги татбиқ этилишини ҳам осонлаштиради.

Шундан келиб чиқиб, Президентимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»даги қонунчилик ташаббусларини амалда рўёбга чиқариш мақсадида

О'zLiDeP томонидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режасида янги қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш ва экспертизадан ўтказиш жараёнига кенг жамоатчилик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари жалб қилинаётгани бежиз эмас, албатта.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Насим Алимовнинг таъкидлашича, ушбу қонун лойиҳаси ўз моҳиятига кўра мутлақо янги меъерларни акс эттириб, электротар вакиллари дуч келаятган айрим бюрократик тўсиқларга чек қўйишни назарда тутди. Қонун лойиҳасида тадбиркорлик фаолиятини

юртиш учун зарур бўлган рухсатномалар бериш тартиб-қоидаларининг қатъий белгилаб қўйилаётгани, ортиқча рухсатнома берилиши учун турлари киритилишини кескин таъкидлаш назарда тутилганлиги тадбиркорларнинг хуқуқ ва манфаатларини таъминлашда долзарб аҳамиятга эга. Бу жараёнда тадбиркорлар тақлифларининг инобатга олинishi уларнинг янада ҳаётий бўлишини таъминлайди. Чунки жойлардаги реал вазиятни унинг бевосита иштирокчилари бўлиши ўрта қатлам вакиллари кўпроқ билдилар. Электротар вакиллари фикр-мулоҳазаларини ўрганиш бўйича олиб бораётган саъй-ҳаракатлар

партия фракциясининг қонун ижодкорлиги соҳасидаги фаолияти соҳатини кескин оширишга, депутатларда электротарларнинг янги турлари орқали асосли ёндашувлар ишлаб чиқиш ва сайловчилар манфаатини қуйи палатада самарали химоя қилиш имкониятини кенгайтиришга ҳам хизмат қилади.

Муҳокамаларда олти нафардан зиёд тадбиркорлар, маҳаллий кенгаш депутатлари фаол иштирок этган мазкур қонун лойиҳаси демократик бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада либераллаштиришга хизмат қилиши билан ҳам ниҳоятда аҳамиятлидир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2011 ЙИЛ 16 АВГУСТДАН БОШЛАБ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хоржий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	▲ 1801,83
1 Англия фунт стерлинги	▼ 2819,52
1 Дания кронаси	▲ 332,28
1 БАА дирҳами	▲ 471,39

1 АКШ доллари	▲ 1731,36
1 Миср фунти	▲ 290,57
1 Исландия кронаси	▲ 15,11
1 Канада доллари	▼ 1753,28

1 Ҳитой юани	▲ 270,88
1 Малайзия ринггити	▲ 580,60
1 Польша злотийси	▼ 595,89
1 СДР	▲ 2771,46

1 Туркия лираси	▼ 974,59
1 Швейцария франки	▼ 2195,21
1 ЕВРО	▲ 2470,68
1 Жанубий Корея вони	▼ 16,05

1 Япония иенаси	▲ 225,44
1 Россия рубли	▼ 58,80
1 Украина гривнаси	▲ 217,21

## Ўзбекистон мулкдорлар мамлакати

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

**М.АБДУРАҲМОНОВ**

Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан ишлаб чиқилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" ҳамда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурида мулкчилик муносабатларини янада такомиллаштириш, хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва ҳимоясини мустаҳкамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш учун янада кулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган бир қатор янги қонун ҳужжатлари қабул қилиш ҳам назарда тутилди.

Соҳа мутахассислари 1991 йилда хусусий секторнинг янги ички маҳсулотдаги улуши атиги 1 фоиз атрофида бўлганини таъкидлаб, бу кўрсаткичи 2010 йилдаги 52 фоиз билан бежиз қиёсламаяптилар. Эътибор беринг: Ўзбекистонда 2011 йилнинг олти ойида кичик бизнес субъектлари томонидан 954,3 млн. долларлик маҳсулот экспорт қилинган. Мустақилликнинг дастлабки йилларида асосан импорт ҳисобига кун кечирган мамлакатда 2011 йилнинг олти ойида 7,2 млрд. долларлик маҳсулот ва хизматлар экспорт қилиш мумкинлигини бундан 20 йил аввал тасаввур эта олармик? Экспорт қилинган товарлар ичида озиқ-овқат маҳсулотлари, машина ва ускуналар асосий ўринни эгаллаганини эса алоҳида қайд

этиш жоиз. Зеро, бундай натижаларга ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш орқалигина эришилди.

**СОҲА МУТАХАССИСЛАРИ 1991 ЙИЛДА ХУСУСИЙ СЕКТОРНИНГ ЯНГИ ИЧКИ МАҲСУЛОТДАГИ УЛУШИ АТИГИ 1 ФОИЗ АТРОФИДА БЎЛГАННИ ТАЪКИДЛАБ, БУ КЎРСАТКИЧНИ 2010 ЙИЛДАГИ 52 ФОИЗ БИЛАН БЕЖИЗ ҚИЁСЛАМАЯПТИЛАР. ЭЪТИБОР БЕРИНГ: ЎЗБЕКИСТОНДА 2011 ЙИЛНИНГ ОЛТИ ОЙИДА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ТОМОНИДАН 954,3 МЛН. ДОЛЛАРЛИК МАҲСУЛОТ ЭКСПОРТ ҚИЛИНГАН. МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ДАСТЛАБКИ ЙИЛЛАРИДА АСОСАН ИМПОРТ ҲИСОБИГА КУН КЕЧИРГАН МАМЛАКАТДА 2011 ЙИЛНИНГ ОЛТИ ОЙИДА 7,2 МЛРД. ДОЛЛАРЛИК МАҲСУЛОТ ВА ХИЗМАТЛАР ЭКСПОРТ ҚИЛИШ МУМКИНЛИГИНИ БУНДАН 20 ЙИЛ АВВАЛ ТАСАВВУР ЭТА ОЛАРМИДИК?**

Бу, шубҳасиз, янги тарихимизда мулк ва мулкчилик муносабатларини такомиллаштириш, ўрта синфни шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилгани натижасидир. Бунда давлатнинг бош ислохотчилик вазифасини ўз зиммасига олгани ва ижтимоий ҳимояланган бозор муносабатлари тамойилларига қатъий амал қилинганини ҳолатда муҳим аҳамият

касб этди. Мазкур тамойиллар эса ислохотлар жараёнида мулкнинг шаклланиш шаклланиши пайдо бўлиши, мулкчилик муносабатларининг такомиллашуви, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини инноватга олиш, ижтимоий

ҳам ўрта синф ташкил этганига амин бўламиз.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкдан олинган куйидаги маълумотларга эътибор беринг: уларда жорий йилнинг биринчи ярмида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка ажратилган кредитлар миқдори 2049,2 млрд. сўмни ташкил этгани таъкидланмоқда. 2000 йилда эса бу кўрсаткич атиги 102 млрд. сўм бўлгани қайд этиляпти. Рақамлардаги бундай тафовут Ўзбекистонда мулкка бўлган муносабат тарозисининг хусусий сектор жой олган палласи йиллар давомида тобора оғирроқ тош босаётганига яна бир мисолдир.

Маълумки, «мулкдорлар қатлами» тушунчаси асосан жамият аъзоларининг мулкдорлик даражаси, уларнинг мулкдорлик ҳуқуқи ва унга эга эканлиги ифодаляпти. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, айнан ана шу қатлам Ўзбекистонни ҳар томонлама тараққий топган жамиятга айлантириш, энг аввало, халқимиз ҳаётини муносиб даражага кўтариш ва мамлакатнинг халқро обрўини юксалтиришга эришиш учун юртимиздаги осудалик ва барқарорликдан энг кўп манфаатдор қатламдир.

Айни пайтда мамлакат сиёсий майдонида ўрта синф манфаатини ҳимоя қилаётган Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳам ўзининг парламентдаги фракцияси орқали тадбиркорлар манфаатини қонуний равишда акс эттириш, улар учун қўшимча имконият ва имтиёзлар яратиш борасида изчил

фаолият олиб бормоқда. Партия Дастурида ҳақиқий мулкдорлар қатламини шакллантириш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш вазифалари ажралмас жараён эканлигига алоҳида эътибор қаратилгани эса ўрта синфнинг сиёсий фаоллиги мамлакатдаги барқарорлик билан боғлиқ эканлиги аниқланибди.

Айни пайтда ўз тараққиёт йўлини тўғри танлаб ололмаган айрим мамлакатларда минг-минглаб кишилар қашшоқлар сафини тўлдирётганини афсус билан таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистонда эса иқтисоднинг дастлабки даврлариданоқ тўғри танланган тараққиёт йўли ва ривожланиш тамойиллари натижасида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамай, минглаб иш ўринлари яратилмоқда. Соҳа мутахассислари 2011 йилнинг олти ойида ҳудудий дастурларга мувофиқ 520 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилганини, энг муҳими, уларнинг 67,8 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келаётганини таъкидламоқдалар. Дунёнинг танқидчи сиёсатчилари ва экспертлари томонидан мамлакатимизда босқичма-босқич ва тадрижий тарзда амалга оширилаётган янгилаш ва бунёдкорлик йўлининг самардорлигига алоҳида эътибор қаратилганининг асл сабаблари ҳам ана шундан. Бу эса ўтган 20 йилда мулкдорлар мамлакатига айланган Ўзбекистонда «ўзбек модели» ўзини тўла оқлаганини кўрсатади.



## Истиқболли соҳа депутатлар муҳокамасида

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

**Озод РАЖАБОВ, «XXI ASR»**

— Асалари инсон саломатлиги учун жуда зарур бўлган асал ҳамда халқ ҳўжалигида ишлатилган мум етказиб бериши барчамизга яхши маълум, — деди О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Абдухалиқ Жаббаров. — Бундан ташқари, арихоналарда фармацевтика саноти учун она асалари сўти, прополиселими ҳамда ари захри каби маҳсулотлар тайёрланади. Шунингдек, қишлоқ ҳўжалигида арилар ёрдамида чанглантириш йўли билан сабзавот ва мевалар ҳосилдорлигини ошириш мумкин. Мамлакатимизнинг деярли барча минтақалари иклими асаларичиликни ривожлантириш учун мос келади. Хусусан, тоғли ҳудудлардан ташқари чўл зоналарида ёнтоқдан, сугориладиган ерларда эса пахтадан нектар йиғилади. Аммо ана шундай шароитларга қарамай, тармоқда мавжуд табиий ва технологик ресурслардан янада самарали фойдаланиш, соҳага хориз тажрибасини жорий этиш, дунё бозорларига чикши борасидаги имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти.

олти баробар кўп оқсил, шунингдек, шакар, ёғ, минерал тузлар, витаминлар ва бошқа фойдали моддалар борлиги сабаб организмни яшартириши, куч-қувват бериши жиҳатидан хатто женьшендан ҳам афзал саналади.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхонинг таъкидлашича, бугун жаҳонда 120 дан зиёд мамлакат асал етиштириш, уни қайта ишлаш ва экспорт қилиш билан шуғулланмоқда. Айнаниқса, Хитой, Туркия, Канада, АҚШ, Аргентина ва Мексикада бу борада катта тажриба тўпланган.

Биз асалариларнинг беҳимнат хизмати — ўсимликларни чанглантиришга унчалик эътибор бермаймиз. Ваҳоланки, бир оила асалари ҳар куни 70 миллиондан ошмиқ гула кўниб, уларни чанглантираркан. Масалан, асаларининг чанглантириши эвазига гўза ҳосилдорлиги 15-20 фоиз ошиши аниқланган. Лекин мутахассислар айрим фермер ҳўжаликлари раҳбарларининг бундан беҳабар эканлигини таъкидламоқдалар. Уларнинг фикрича, гўёки асалари гўзанин ширасини, яъни қувватини сўриб олади. Аслида эса ўсимликлар шира ажратиб, асалариларни ўзларига қорлайдилар ва улар ёрдамида чангланадилар.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермерлар асаларичилар билан шартнома имзолаб, уларга катта миқдорда ҳақ ҳам тўлайдилар. Хусусан, Канадада асаларичилар йрик ер эгаларининг боғлари ва қишлоқ ҳўжалиги экинларини чанглантиришга хисобига йилга ўртача 1 миллион доллар миқдорда даромад оладилар. АҚШ, Аргентина, Россия, Хитой ва Туркия сингари давлатларда соҳада эришилаётган ютуқлар асосан замонавий технологиялардан фойдаланиш, асалари наслчилиги тўғри йўлга қўйилгани, илм-фан намунадаларининг асаларичиларга керакли маълумотларни етказиб беришлари билан изоҳлан

моқда.

Давра суҳбати иштирокчилари эришилган ютуқлар баробарида ечимини кутаётган муаммолар ҳусусида ҳам атрофлича фикр алмашдилар. Биринчи галда, мамлакатимизда асаларичилик соҳасига оид қонунчиликни такомиллаштириш лозимлиги эътироф этилди. Бунда фермер ҳўжаликлари билан асаларичилар ўртасидаги муносабатларга ҳуқуқий мақом бериш долзарб аҳмиятга эга. Шунингдек, ерга оид қонунчилик нормаларида асаларичилик ҳўжаликларини ташкил этиш борасида муайян бўшлиқлар мавжудлиги, мазкур субъектларни паспортлаштириш тизими йўлга қўйилганига эътибор қаратилди.

Амалиётчи асаларичилар — фарғоналик Шерали Суяркулов, қашқадарёлик Салом Жўраев соҳага малакали кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидладилар. Уларнинг айтишича, юртимиздаги ҳеч бир олий ўқув юртида асаларичилик бўйича мутахассислар тайёрланмапти. Шунингдек, зооветеринария-сервис хизматини яхшилаш, соҳага оид илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш, ўқув-услубий қўлланмалар тайёрлаш, зотли она ариларни етказиб берадиган илмий-тажриба питомникларини ташкил этиш орқали четдан кириб келаётган бегона асалари наслларини кескин камайитириш даркор.

Давра суҳбатида иштирок этган сиёсий партияларнинг парламентдаги фракциялари вакиллари кун тартибидagi масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Тадбир якунида мамлакатимизда асаларичиликни янада ривожлантириш юзасидан олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар мазмун-моҳияти тарғиботига қаратилган аниқ амалий чоралар кўриш, асаларичилик субъектлари фаолиятини мувофиқлаштириш, соҳага оид қонунчилик базасини такомиллаштириш бўйича кўмитанинг тегишли хулоса ва тавсиялари ишлаб чиқилди.

### Фермерлик ҳаракати — қишлоқдаги ҳал қилувчи куч

## Истиқлол неъматини

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

**Носир ТОШЕВ, Асхор ИСТАМОВ, «XXI ASR»**

Бундай шароитда мўл ҳосил етиштиришнинг ўзи бўлмайди. Шукри, кейинги йилларда бағримизга шамол тегиб, муаммоларимиз ўз ечимини топмоқда. Деҳқончилик маданиятини ошириш ҳисобига қўшимча даромад олаёلمиз. Йил бошида режалаштирган хайрли ниятларимиздан яна бири рўёбга чиқди. Чўл бағрида барпо этилган икки гектарлик боғни «Истиқлолнинг 20 йиллиги» деб номладик. Чорвачилик ҳам аллақачон тараққиёт йўлига тушиб олган. Бунга асосан зотли қорамолларни кўпайтириш ва маҳсулдорлигини ошириш ҳисобига эришилмоқда. Ички имкониятлардан фойдаланиб, қиска муддат орасида 20 та қўшимча иш ўрни яратишга муваффақ бўлдик. Тасарруфимиздаги 2 та «МХ-140» русумли хайдов, 3 та «ТТЗ-140» русумли чопик, 1 та «Класс» русумли ўрим комбайни ва бошқа техника воситалари ҳўжалигимиз аъзоларига қўл-қанот бўлмоқда.

Дарҳақиқат, шундай. Фермерликнинг иқтисодий афзаллиги билан бирга тоғдек масъулияти ҳам бор. Айни кунда 100 хонадон мана шу ҳўжалик орқасидан ризқ-насиба топаёпти. Ишчи-хизматчиларнинг барчаси катта тажрибага эга бўлган жонкуяр, фидойи инсонлардир. Шу

боис ёз жазирамаси-ю қиш аёзи билан боғлиқ қийинчиликлар сабр-матонат ила енгиб ўтиляпти. Соҳага йил сайин катта эътибор қаратилаётганлиги ҳам бежиз эмас. Юртбошимиз томонидан қабул қилинган «Ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги фармон асосида вилоятда «Давсувмаҳсуспудрат» унитар корхонаси ташкил этилиб, ҳозиргача унинг амалий ёрдами билан кўпгина хайрли ишлар амалга оширилди. Жумладан, Шимоллий зовурнинг каттагина қисми қайта таъмирланди. Айни йўналишдаги саъй-ҳаракатлар давом эттирилмоқда. Бунёдкорлик ишлари натижасида Шофиркон, Вобкент, Ғиждувон ва Пешку туманлари ҳудудидаги кўплаб майдонларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилашга эришилди. Бу, албатта, қўшимча ҳосил, қўшимча даромад, демакдир.

Мана, 42 йилдирки, А.Латинов дала кезади, ер билан тиллашади. Унинг учун шу юрт, шу халқ манфаати йўлида хизмат қилишдан-да юксакроқ мақсад йўқ. У ўз ҳаётини кенг жамоатчилик фаолиятдан ҳам айри тасаввур этолмайди. Сенатор сифатида Олий Мажлис Сенати йиғилишларида қатнашаркан, муҳим тақлифларни ўртага ташлаб, амалдаги ҳақда янги қабул қилинажак қонунлар, бошқа меърий ҳужжатларни такомиллаштиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.



Ва, табиийки, ўзига юксак ишонч билдирган О'зЛиДеР электорати манфаатларидан келиб чиқиб, одамларни яқинроқ бўлишга, турли масалалар юзасидан уларга амалий ёрдам кўрсатишга интиляпти.

— Кейинги йилги йилда нимагаки эришган бўлсам, барчаси истиқлол шарофатидандир, — дейди суҳбатдошимиз. — Яратганга шукр, ўзбек деҳқонининг ҳам кўкрагига шамол теги. Маънавий таъзимларсиз, ноўрин кўрсатмаларсиз, эмин-эркин ишлашга нима етсин, ахир. Бу шундай бир олий неъматки, унинг кадр-қимматини бошқа ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Йиллар давомида шаклланиган ҳаётий мезонлар эндиликда бутунлай янги маъно ва мазмун касб этмоқда. Хусусан, Олий Мажлис

Конунчилик палатаси ҳамда Сенатининг яқинда бўлиб ўтган кўшма мажлисида «Демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш борасида ҳукумат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар Дастури», шунингдек, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурининг ижроси тўғрисидаги масала кўриб чиқилганлиги, бу хусусда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ҳисоботи эшитилганлиги юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Залда ўтирарканман, Сенат аъзоси сифатида зиммамдаги масъулият юки янада ошганлигини ҳис этдим. Конституцияга киритилган қўшимча ва ўзгаришларга мувофиқ, Олий Мажлис

палаталари эндиликда мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазир ҳисоботини эшитиш ҳуқуқига эга бўлдики, бу демократик янгилаш йўлидаги дадил қадамлардан биридир.

Қиска қилиб айтганда, бугун барча соҳада изланишлар босқичма-босқич давом эттирилмоқда. «Азим Шофиркон колдузи» ҳам ўзи танлаган йўлдан бориб, истиқбол сари дадил ва ишончли қадамлар ташляпти. Унинг «юлдузли манзиллари баъзи бировлар учун етиб бўлмас орзуга айланган, десак ҳам хато қилмаймиз. Зеро, фермерлик ҳаракатининг нималарга қодирлиги ушбу ҳўжалик фаолияти мисолида яққол намоён бўлиб турибди.

# КОНЦЕПЦИЯ

Тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун зарур бўлган рухсат бериш тартиб-қоидаларининг қатъий чекланган рўйхати ва турларини аниқ белгилаб қўйиш, қонунда назарда тутилмаган ортиқча рухсатнома ва рухсат бериш тартиб-қоидаларининг янги турлари киритилишини қонун билан кескин тақиқлаш зарур

Ушбу қонун лойиҳаси тадбиркорлик тузилмаларига рухсатномалар бериш тизимидаги асосий тамойиллар ва қоидаларни мустаҳкамлашга қаратилганлиги билан ҳам О'зЛиДеР электорати учун ниҳоятда муҳимдир.

Қонун лойиҳасини тайёрлашда бир қатор ривожланган давлатларнинг қонунчилик тажрибасидан ҳам унумли фойдаланилди

33 (405)-СОН

2011 йил 18 август,  
пайшанба

e-mail:  
axborot@xlasr@yahoo.com

## Янги қонун асосида янги тартиблар жорий этилмоқда

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ О'ЗЛИДЕР ФРАКЦИЯСИ ЮРТБОШИМИЗНИНГ «МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ»ДА ТАКЛИФ ЭТИЛГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИБ, БУ ЖАРАЁНГА КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИКНИ ҲАМ ЖАЛБ ЭТМОҚДА

Партия фаолларининг фикрича, ушбу дастурий ҳужжатда қайд этилган аксарият қонунлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари манфаатларига қаратилгани учун ҳам ниҳоятда аҳамиятлидир. Уларни жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро ҳамкорликда ишлаб чиқиш эса қонунларнинг янада сифатли ҳамда мукамал бўлишини таъминлайди. Шу боисдан ҳам айтилган пайтда О'зЛиДеРнинг ҳудудий тадбирларида «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсатномалар бериш тартиб-қоидалари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ўрта синф вакиллари орасида катта қизиқиш уйғотиб, кенг муҳокамаларга сабаб бўлмоқда.



**Собир ЖАББОРОВ**, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси:

— Концепциянинг демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни яна-

да чуқурлаштириш йўналиши доирасида ишлаб чиқилган ушбу қонун лойиҳаси тадбиркорлик тузилмаларига рухсатномалар бериш тизимидаги асосий тамойиллар ва қоидаларни мустаҳкамлашга қаратилганлиги билан ҳам О'зЛиДеР электорати учун ниҳоятда муҳимдир. Ҳужжатдан кўзда тутилган асосий мақсад давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органларида рухсатномалар бериш тартиб-қоидаларидан ўтиш шартлари ва тартибларини бирхиллаштириш, ортиқча маъмурий



тўсиқларни бартараф қилишни назарда тутди. Қонун лойиҳасида, шунингдек, рухсатнома хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олиш босқичлари, ҳужжатлар рўйхати билан боғлиқ талаблар, уларнинг муддатлари ҳам акс эттирилмоқда.

Яъни, ушбу лойиҳа рухсатнома хусусиятига эга бўлган ҳужжатларнинг

катъий рўйхатини белгилайди. Мазкур ҳужжатларнинг ягона қонунда акс этирилиши эса тадбиркорлик субъектларини қонунчиликка тез-тез ўзгартишлар киритишдан ҳимоя қилади. Шу боис лойиҳани тайёрлаш жараёнида рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатлар инвентаризациядан ўтказилди. Муҳокамалар натижасида

амалдаги 383 та ҳужжатнинг 112 таси замон талабларига жавоб бермай қолгани ҳамда бир-бирини такрорлагани туфайли чиқариб ташланди. Янги тартибга кўра, эндиликда рухсатнома хусусиятига эга бўлган ҳужжатлар сони 271 тани ташкил этади. Жумладан, автомобиль, темир йўл, сув ва ҳаво транспорти бўйича

14 та, ташқи иқтисодий фаолият бўйича 28 та, ишлаб чиқариш соҳасида 11 та рухсатнома бериш тартиби қолдирилмоқда. Уларнинг соҳалар бўйича тавсифлангани эса ўрта синф — мулкдорлар қатламнинг янада эркин фаолият юритишини таъминлашга хизмат қилади, албатта.



**Клара ЖУМАМУРОВА**, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси:

— Ушбу қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида бир қатор ривожланган давлатларнинг қонунчилик тажрибасидан ҳам

унумли фойдаланилди. Маълумки, бугун Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш Ташкилоти мамлакатларида «бир дарча» тамойилидан кенг фойдаланилади. Хусусан, Франция ва Голландияда бизнес расмиётичиликларни бўйича Марказлар тармоғи мавжуд бўлиб, улар рухсатнома бериш учун давлат органлари томонидан ўрнатилган талаблар юзасидан тадбиркорларга маълумотлар тақдим этади. Бундай марказларга вазирилик ва идоралар ҳужжатларида белгиланган бар-

ча зарур талабларни бирлаштириш ваколати берилган.

Қонун лойиҳасини тайёрлашда ҳам рухсатнома хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни беришда «бир дарча» тамойилини жорий қилишни кўзда тутувчи қоидалар киритишга эътибор қаратилди. Бунда ҳужжатларни расмийлаштириш давлат идоралари ўртасида келишув асосида амалга оширилиб, тадбиркорлик субъектларининг ортиқча югур-югурга чек қўйилади. Бу тамойилнинг моҳияти

шундаки, бир давлат органидан рухсатнома хусусиятига эга бўлган ҳужжатни олиш учун бошқа орган томонидан берилмаган рухсатнома хусусиятига эга бўлган ҳужжатни тақдим этиш ёки у билан келишиш зарур бўлган ҳолларда, бирлар киритишга эътибор қаратилди. Бунда ҳужжатларни расмийлаштириш давлат идоралари ўртасида келишув асосида амалга оширилиб, тадбиркорлик субъектларининг ортиқча югур-югурга чек қўйилади. Бу тамойилнинг моҳияти



**Фуркат ХАТАМОВ**, О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аппарат раҳбари:

— Шу ўринда О'зЛиДеР фракцияси ва партиянинг ҳудудий кенгашлари томонидан жойларда ташкил этилаётган давра суҳбатларида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилаётган қонун ҳужжатлари электорат вакиллари билан ҳам муҳокамалар натижасида тадбиркорлар томонидан қабул қилинаётган қонунлар юзасидан 80 дан ортиқ таклифлар олинди. Дастлабки ҳулосалар эса худудларда ўрта қатлам вакиллари ўзлари учун фойдали қонун лойиҳалари ишлаб чиқишидан манфаатдор эканини, улардан қўллаб асосли таклифлар олиш мумкинлигини кўрсатди. Бир сўз билан айтганда, мазкур амалиёт ягона мақсадга қаратилган бўлиб, қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини ошириш ва уларнинг ҳаётийлигини таъминлашга, энг асосийси эса электорат манфаатини самарали ҳимоя қилишга хизмат қилади, албатта.

минлаш билан бирга, уларни амалиётга жорий қилишни осонлаштиради. Шундан келиб чиқиб, бугун О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг тегишли қарори асосида фракция аъзолари, ҳудудий партия ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳлари мамлакатимизнинг чекка худудларида ҳам турли тадбирлар ташкил этиб, қонунлар юзасидан хусусий сектор вакиллари тақлифларини эшитиш тажрибасини изчил амалиётга татбиқ эта бошлади. Хусусан, шу кунгача Андижон, Бухоро, Фарғона ва Навоий вилоятларида ўтказилган бундай муҳокамалар натижасида тадбиркорлар томонидан қабул қилинаётган қонунлар юзасидан 80 дан ортиқ таклифлар олинди. Дастлабки ҳулосалар эса худудларда ўрта қатлам вакиллари ўзлари учун фойдали қонун лойиҳалари ишлаб чиқишидан манфаатдор эканини, улардан қўллаб асосли таклифлар олиш мумкинлигини кўрсатди. Бир сўз билан айтганда, мазкур амалиёт ягона мақсадга қаратилган бўлиб, қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини ошириш ва уларнинг ҳаётийлигини таъминлашга, энг асосийси эса электорат манфаатини самарали ҳимоя қилишга хизмат қилади, албатта.



**Соҳибжон ИСМОИЛОВ**, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси:

— Испания ва Италия қонунчилигида эса рухсатнома беришни ўз вақтида амалга ошириш мақсадида «сукут — розилик белгиси» тамойилидан

кенг фойдаланилмоқда. Унга кўра, давлат органи рухсатнома олмақчи бўлган тадбиркорнинг талабига мажбурий жавоб бериш муддати чегараланган. Агар 30 кун мобайнида масъул идора томонидан ҳужжатни бериш рад этилмаса, аризачи ўз ҳаракатини бошлаб юбориш ҳуқуқига эга бўлади. Ана шундан келиб чиқиб, лойиҳада рухсатномалар бериш тартиб-қоидаларининг очиқ-ойдинлигини таъминлаш мақсадида тадбиркорлик субъектларининг аризаси ва уни кўриб чиқиш муддатларини аниқ белгилаш кўзда тутилмоқда.

Ушбу муддат рухсатнома талаб этилаётган тегишли фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда белгиланишини ва тадбиркорлик субъектларининг аризаси (сўровнома) берган кундан бошлаб 30 иш кунидан ошмаслигини назарда тутди. Бундан ташқари, қонунда аризани қайта кўриб чиқиш муддати ўн иш кунидан ошмаслиги ҳам мустаҳкамлаб қўйилмоқда. Эндиликда тадбиркорлик субъекти томонидан фаолиятнинг маълум тури бўйича рухсатнома бериш тўғрисидаги ариза топширилгандан кейин белгиланган муддатда унга жавоб ол-

ди. Бундан ташқари, қонунда аризани қайта кўриб чиқиш муддати ўн иш кунидан ошмаслиги ҳам мустаҳкамлаб қўйилмоқда. Эндиликда тадбиркорлик субъекти томонидан фаолиятнинг маълум тури бўйича рухсатнома бериш тўғрисидаги ариза топширилгандан кейин белгиланган муддатда унга жавоб ол-

Президентимиз Концепциясида фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, хусусан, маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро муносабатларини янада яхшилаш масаласига бежиз эътибор қаратилмади

## Маҳалла институти мустаҳкамланади

**Барчиной МАШАРИПОВА**, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'зЛиДеР фракцияси аъзоси

Зеро, шарқона демократия дарсхонаси сифатида эътироф этилаётган маҳалла институтининг ҳуқуқий мақомини белгилаш фақат истиқлол йилларидагина амалга оширилди. Ана шу даврда мамлакатимизни демократик янгилаш, фуқаролик институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтиришга қаратилган 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинган ҳам фикримизга мисол бўлиши мумкин. Бунда, айниқса, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг амалиётга жорий этилиши маҳалланинг бугунги мақоми белгиланган асос бўлиб хизмат қилди.

Маълумки, демократик ислохотлар чуқурлашгани сайин ўзини ўзи бошқариш органларининг жамият ижтимоий ҳаётида иштироки ҳам кенгайди. Шу маънода давлатнинг 30 дан ортиқ функцияларини бажариб келаётган маҳалланинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришнинг даврнинг ўзи тақозо этаётди. Ана шундан келиб чиқиб, Концепцияда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш орқали маҳаллани ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтириш таклифи илгари сурилди. Ундан қўзланган асосий мақсад эса аҳолининг давлат ва жамият қурилишидаги иштирокини янада кенгайтиришдан иборатдир.

Ҳақиқатан ҳам амалдаги қонуннинг айрим моддаларини бугунги кун талаблари даражасида такомиллаштиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Хусусан, унинг 12-моддасида акс этган фуқаролик кенгаши ваколатларини тегишли қўшимчалар билан тўлдирish зарур. Унга кўра, айни кунда фуқаролик йиғини кенгашларига қонун ҳужжатларига мувофиқ кичик корхоналар ва аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи шохобчалар ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ваколати берилган. Бироқ қонунда маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик ва оилавий бизнес марказига айлантириш борасида меъёрлар киритилмаган эди. Бу эса тобора ривож топаётган оилавий тадбиркорлик тузилмалари фаолиятини маълум маънода чегаралаб қўймоқда. Шунинг ҳисобга олиб, қонунни маҳалла ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солувчи меъёрлар билан тўлдирish мақсадида мувофиқдир.

Қонуннинг 14-моддасига кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари айрим нотариал ва ФХДЕ ҳаракатларини амалга ошириш ваколатига эга. Аммо бу борада йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонлар маҳалла раиси (оқсоқоли) ва маслаҳатчиларининг ҳуқуқий билимлари етарли эмаслигини кўрсатмоқда. Ана шундан келиб чиқиб, қонунни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раисининг малакаси ва ҳуқуқий билиминини белгилувчи янги норма билан тўлдирish лозим. Шу билан бирга амалдаги қонунчиликдаги фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларининг ваколат муддатини икки ярим йилдан кўпроқ муддатга узайтириш, мазкур лавозимлар учун малака талабларини янада такомиллаштириш фурсати ҳам етганини таъкидлаш жоиз.

Саҳифа материалларини К.САЙДАЛИЕВ тайёрлади.

## Кучли қуйи бўғиндан — кучли парламентга

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ «МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ» ДЕМОКРАТИК БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ИҚТИСОДИЁТНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ БОРАСИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАРНИ ДОИМИЙ РАВИШДА ТАҲЛИЛ ЭТИШ ВА АНА ШУ ТАҲЛИЛЛАР НАТИЖАСИДАН ТЕГИШЛИ ХУЛОСАЛАР ЧИҚАРИШ ЛОЗИМЛИГИНИ ТАҚОЗО ЭТМОҚДА. БУНИНГ УЧУН, ЭНГ АВВАЛО, СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ҚУЙИ БЎҒИНЛАРИ, ҲИСОБЛАНАДИГАН БОШЛАНГИЧ ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИГА ЭЪТИБОР КУЧАЙТИРИЛИШИ ЛОЗИМ

**Хўш, иқтисодийтимиз таянчига айланиб улгурган ўрта синф манфаатларини ҳимоя қилаётган Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг жойлардаги фаолияти бугун ана шу талабларга тўла жавоб бераёптими? Маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари, аёллар ва ёшлар билан ишловчи тузилмалар қандай реал натижаларга эришмоқдалар? Давлат дастурларида назарда тутилган вазифалар ижросига қаратилган фаолиятимиз сайловчилар томонидан қандай баҳоланаяпти? «XXI asr» газетаси ташаббуси билан ўтказилган навбатдаги давра суҳбати ана шу масалалар муҳокамасига бағишланди**



**Мансур ЗОКИРОВ,**  
O'zLiDeP Бухоро вилоят кенгаши раиси:



**Мухлиса АКРАМОВА,**  
O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари:

— O'ZLIDEP ДАСТУРЛАРИДА БЕЛГИЛАНГАНИДЕК, АЙНИ КУНДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ, ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ, ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИДАГИ ИШТИРОКИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ, ШУНИНГДЕК, АЁЛЛАР ЎРТАСИДА ТАДБИРКОРЛИК, ХУНАРМАНДИЛИК, ҚАСАНАЧИЛИК ВА БИЗНЕСНИНГ БОШҚА ТАРМОҚЛАРИ БЎЙИЧА ЗАРУР КЎНИКМА ҲАМДА МАЛАКАНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ТУРКУМ ТАДБИРЛАР ҲАМ ЎТКАЗИЛМОҚДА

Хусусан, партия «Аёллар қаноти» томонидан шу кунгача 1122 та давра суҳбати, очик мулоқот, учрашув ва семинар-тренинглари ташкил этилиб, уларда 62 минг нафардан зиёд хотин-қизлар иштирок этдилар.

Жумладан, Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда «Тадбиркорлик таъминоти» номи қўшма лойиҳа доирасида аёллар учун худудларда тадбиркорлик кўникмалари бўйича туркум ўқув-семинарлар ташкил этилди. Ҳозиргача уларда 6458 нафар хотин-қизлар иштирок этиб, мустақил равишда бизнес-режалар тузиш кўникмаларини шакллантирдилар. Ўтказилган

тадбирлар давомида 144 нафар опасингилларимиз иш билан таъминланиб, партия сафидаги хотин-қизлар сони 150 нафарга ортди.

Таъкидлаш жоизки, ўтган олти ойда тадбиркор ва фермер аёлларимиз томонидан 5748 та янги иш ўрни яратилгани партиянинг аёллар масалаларига жиддий эътибор қаратаётганини кўрсатади, албатта. Чунки, хотин-қизларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги иштироки кўп жиҳатдан уларнинг муқим иш ўринларига эга бўлишига боғлиқ жараён ҳисобланади. Аёл фойдали меҳнат билан шуғулланиб, оиласи ва юрт манфаатига ҳисса қўша олсагина ўзини бахтли ҳис этади.

— БИР НЕЧА ЙИЛДИРКИ, O'ZLIDEP ЎЗИНИНГ ЁШЛАРГА ОИД НУҚТАИ НАЗАРИНИ «ЁШЛАР ҚАНОТИ» БЎЛИМЛАРИ ФАОЛИЯТИ ОРҚАЛИ ИФОДАЛАБ КЕЛМОҚДА

Бунда ёшлар орасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, уларни фойдали меҳнатга жалб қилиш масаласига бирламчи аҳамият қаратилаяпти. Шу мақсадда жорий йилда «Ёшлар қаноти» бир қатор истиқболли лойиҳаларни амалга оширди. Шулардан бири «Ишбилармон ўқувчи» лойиҳаси бўлиб, академик лицей ва касб-хунара коллежлари ўқувчиларини рағбатлантиришга қаратилган. Мазкур лойиҳа доирасида ташкил этилган тадбирларда шу кунгача 5 мингдан зиёд янги авлод вакиллари иштирок этдилар.

Партиянинг Сайловолди дастурида белгиланганидек, ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятига қизиқишини кучайтириш, уларга ўз бизнесини ташкил этиш учун иқтисодий, ҳуқуқий шароитлар яратиш, партия электорати сафини интеллектуал салоҳиятли ёшлар билан кенгайтириш мақсадида олий ўқув

юртлари талабалари ўртасида «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси юзасидан ўтказилган тадбирларда 1450 нафардан ортик ёшлар иштирок этди. Танловда истиқболли деб топилган 124 нафар битирувчининг бизнес лойиҳасига тижорат банклари томонидан 310 млн. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратиш чоралари кўрилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, партиянинг худудлар кесимида ўтказилаётган шу каби туркум тадбирлари мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлашга қаратилган ижтимоий ташаббуслар ҳисобланади. Бугунги шиддаткор давр, глобаллашув жараёнлари эса партияларнинг ёшлар масаласидаги ўз дастурларига ўзгаришлар киритиш лозимлигини ҳам тақозо этаётди. Чунки ёшлар эртағимиз эгалари сифатида келажакимизни ҳал қилувчи асосий кучдир.

— ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ «КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ» ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИНИ ҲАМ ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИНИ ИФОДАЛОВЧИ ТАКЛИФ ВА ТАШАББУСЛАР БИЛАН ЧИҚИШГА УНДАДИ

Шу боис ҳам йиғилишларда худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг ижроси юзасидан муҳим масалалар кўриб чиқилиб, улар ечими ва аниқланган муаммоларни бартараф этиш борасида аниқ тавсиялар ишлаб чиқилмоқда.

Жумладан, халқ депутатлари Андижон вилоят кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурида белгиланганидан ташқари қўшимча яна 20 мингта янги иш ўрни яратиш ташаббуси билан чиққан эди. Ундан кўзланган мақсад жорий йил

учун эълон қилинган бандлик дастури ижросини таъминлашга ҳисса қўшиш ва шу орқали партиянинг вилоятдаги фаолиятини кучайтиришдан иборат эди. Мазкур масала депутатлик гуруҳининг март ойида бўлиб ўтган йиғилишида маъқулланган, партия фаоллари ва тадбиркорлик субъектлари мазкур ташаббусни рўёбга чиқариш учун амалий ишларни бошлаб юбордилар. Ҳисоб-китобларимизга кўра, фаолларимиз томонидан бугунгача 11450 дан ортик янги иш ўрни яратилди. Унда 478 та тадбиркорлик субъекти ва 98 та фермер хўжаликлари фаол иштирок этгани қувонарли, албатта.

— АЙНИ ПАЙТДА ЮРТБОШИМИЗ ТАШАББУСИ БИЛАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН БИР ҚАТОР ҚОНУНЛАРДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРГА, ХУСУСУАН, ЖОЙЛАРДАГИ ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИГА ЖУДА КАТТА ИМКОНИЯТ БЕРИЛГАНИНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАШ ЛОЗИМ

Шундан келиб чиқиб O'zLiDeP жойлардаги депутатлик гуруҳлари фаолиятини кескин жонлантиришга, маҳаллий кенгашлардаги депутатлар масъулиятини оширишга энг долзарб вазифа сифатида қарай бошлади. Партиянинг кейинги бир ярим йиллик фаолиятига назар ташласак, бу борада муайян натижаларга эришилганига ҳам гувоҳ бўламиз.

Хусусан, халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгашининг апрель ойидаги сессиясида O'zLiDeP депутатлик гуруҳи ташаббуси билан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурининг Ромитан туманидаги ижроси юзасидан туман ҳокими М.Алимовнинг ҳисоботи эшитилди. Унда асосан давлат дастури бажарилишида йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар муҳокама қилиниб, туманда кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга етарлича эътибор қаратилмаётгани таъкидланди. Урганилган масала юзасидан сессиянинг тегишли қарори қабул қилиниб, дастур ижроси билан боғлиқ камчиликларни бартараф этишга доир аниқ чора-тадбирлар ҳам белгиланди.

Бироқ Президентимиз Концепцияси асосида қонунчиликка киритилган ўзгариш ва қўшимчалар фаолиятимизни янада жонлантиришни тақозо этмоқда. Парламентда йирик соҳа ва тизимларда олиб борилаётган ишлар, ҳатто ҳуқуқат фаолияти юзасидан парламент эшитувларининг йўлга қўйилгани жойларда ҳам ижро ҳокимиятига аниқ мақсадга йўналтирилган мавзулар доирасида мурожаат этиш талабини қўймоқда. Бунда худудлардаги ижтимоий-иқтисодий аҳолини чуқур таҳлил этиш, қонун ижросини таъминлашда қуйи бўғинлардаги депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорликни кучайтириш талаб этилади, албатта. Чунки улар ўз худудларида мавжуд муаммолардан хабардор бўлган асосий институт ҳисобланади. Шу маънода, жойлардаги депутатлик гуруҳлари назоратни қўйдан бошлаб, ўз амалий тақлифларини фракцияларга етказсалар, мақсадга мувофиқ бўлади.



**Эркин ТОШОВ,**  
O'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши раиси:

— ЎТГАН ДАВР МОБАЙНИДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИДАГИ O'ZLIDEP ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ ҲАМ ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ КОНЦЕПЦИЯ ТАЛАБЛАРИГА МОСЛАШТИРИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛДИ

Жумладан, халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг 16 июлдаги сессиясида депутатлик гуруҳимиз ташаббуси билан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурининг Тошкент шаҳридаги ижроси ҳамда Олий Мажлис Сенатининг «2009-2012 йилларга мўлжалланган Инкирозга қарши чоралар дастурини сўзсиз бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъулияти тўғрисида»ги қарори юзасидан шаҳар ҳокими ўринбосари Ф.Зияев ва Учтепа тумани ҳокими А.Рустамовнинг ҳисоботи эшитилди.

Сессияда муайян ютуқлар баробарида қатор камчиликлар ҳам мавжудлиги қайд этилди. Хусусан, йиғилишга қадар O'zLiDeP депутатлик гуруҳи томонидан ўтказилган назорат-таҳлил натижасида пойтахт туманларида ишга туширилиши режалаштирилган 4 та корхона ва уларда яратилиши белгиланган 60 та янги иш ўрни кредит ва лицензия олишдаги бюрократик тусиқлар туфайли амалга ошмай қолгани аниқланди.

Бундан ташқари, корхоналарни модернизация қилиш натижасида Миробод туманидаги «Элит Полимер» корхонасида ташкил этилиши режалаштирилган 15 та иш ўрни ишлаб чиқариш жихозларини олиб келишдаги божхона идораларининг ортикча расмиятчилиги туфайли бажарилмай қолган. Учтепа туманида эса Дастур ижросини таъминлашда айрим камчилик ва нуқсонларнинг мавжудлиги ўрта синф вакиллари фаолиятига жиддий тўсиқ бўлаётгани маълум бўлди. Сессияда ана шу масалалар атрофича муҳокама қилиниб, тегишли қарор қабул қилинди.



**Бегмат ОЧИЛОВ,**  
O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Ёшлар билан ишлаш бўлими бошлиғи:



**Толібжон МАДУМАРОВ,**  
Халқ депутатлари Андижон вилоят кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари:

**Бир сўз билан айтганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш O'zLiDeP, унинг жойлардаги депутатлик гуруҳлари олдида турган энг муҳим вазифага айланмоқда. Зеро, жамиятда ўрта синф — мулкдорлар қатламнинг кенгайиши натижасида ижтимоий фаровонлик даражаси ҳам ошиб бормоқда. Давра суҳбати иштирокчилари бу каби ишларни янада такомиллаштириш, кўзланган мақсадларга тўла эришиш учун Президентимиз Концепциясида белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини қатъий назоратга олиш лозимлигини таъкидладилар.**



**ЖИЗЗАХ.** O'zLiDeP вилоят ва Зафаробод туманидан кенгашлари «Аёллар қаноти» гуруҳи томонидан Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан ўтказилган навбатдаги амалий учрашувда партия вилоят, туман (шаҳар) кенгашлари депутатлари, «Аёллар қаноти» фаоллари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси масъул ходимлари, тадбиркор ва фермер аёллар иштирок этдилар. Сўзга чиққанлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, жумладан, хотин-қизлар учун яратилган имкониятлар, тадбиркор ва фермер аёллар ҳаётидаги янгиланишлар ҳақида кенг тўхталдилар.

— Бизнинг мулкдор ва ер эгаси бўлишимиз мустақиллик билан узвий боғлиқдир. Бу билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Фермер хўжалигимиз 210 гектар галла ва пахта майдонига эга. Айни кунларда энг азиз, энг улуг айёмни муносиб кутиб олиш иштиёқи билан меҳнат қилаёмиз, — деди ўз сўзида Зафаробод туман кенгаши депутати, партия фаоли Кундуз Эгамбердиева.

Туман тадбиркорлари ва фермерлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ярмаркаси ҳам учрашув қатнашчиларида катта таассурот қолдирди. Шунингдек, улар партия фаоли Зуҳра Давлатова раҳбарлик қилаётган «Боғи Афросиёб» кўп тармоқли хусусий фирмасига ташриф буюриб, бу ерда ташкил этилган нон ва нон маҳсулотлари цехи фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Тадбир якунида 20 нафар хотин-қизга O'zLiDePнинг аъзолик гувоҳномалари топширилди.

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ.** Бугунги ижтимоий-сиёсий ислохотлар жараёнидаги масъулиятли даврда партия фаоллари ўз ишларига янгича талаблар асосида ёндашишга ҳаракат қилмоқдалар. O'zLiDeP Тошкент шаҳар Сергели туман кенгашининг кеча бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов конференцияси фикримизни яна бир бор тасдиқлайди. Унда асосан давлатимиз раҳбарининг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллигига оид партиявий тадбирлар дастуридан келиб чиқадиган долзарб вазифалар муҳокама қилинди.

Партия туман кенгаши раиси Аваз Исмоилов ташкилотнинг 2008-2010 йиллардаги фаолияти хусусида сўз юритаркан, ҳисобот даврида асосий эътибор либерал-демократик ғояларни аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш, тадбиркорлар ва фермерлар манфаатини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ масалаларга қаратилганлигини таъкидлади. Бугунги кунда туманда 76 та бошланғич партия ташкилоти бўлиб, улар ўз атрофига 1321 дан ортик аъзони бирлаштирган.

Йиғилишда эришилган ютуқ ва камчиликлар таҳлил қилинар экан, партиявий-сиёсий ишларни бугунги кун талаблари асосида янада фаолаштириш, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда амалий тақлиф ва ташаббуслар билан қатнашиш, электоратни ўйлантираётган муаммоларни ҳал этиш учун мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланиш лозимлиги таъкидланди.

Шунингдек, тадбирда тумандаги 33 та маҳалланинг 30 тасида бошланғич партия ташкилотлари тузилганлигига эътибор қаратилди.

Конференцияда таъкидланганидек, Президент Концепциясининг мазмун-моҳиятини омма ўртасида кенг тушунтириш, шу асосда бошланғич партия ташкилотлари ишини янада такомиллаштириш, тадбиркорликнинг янги шакли — оилавий бизнесни ривожлантириш учун барча имкониятлардан фойдаланиш, ходимларнинг шахсий масъулиятини ошириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштирокини кенгайтириш лозим.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида ана шу мақсадларга эришиш учун жойларда партиявий-сиёсий тадбирларни янада такомиллаштиришга келишиб олинди.

**КАШҚАДАРЁ.** «Жон қадар азизсан, мустақил Ўзбекистон!» O'zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими ҳамда Миршикор туман кенгаши томонидан тумандаги 1-мактаб ахборот-ресурс марказида ташкил этилган давра суҳбати ана шундай номланди.

Давра суҳбатида таъкидланганидек, мустақил Ўзбекистон давлатининг пайдо бўлиши халқимизнинг тарихий ғалабаси бўлиб, ўтган 20 йил мобайнида Президент Ислам Каримов раҳнаомлигида ижтимоий-сиёсий ҳаётда улкан ўзгаришлар амалга оширилди. Янги тафаккур юритиш, эркин фикрлаш ва ўз нуқтаи назарига эга бўлиш, ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиш, юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшаш бугун хотин-қизларимиз учун ҳаётий мезонга айланиб бормоқда.

«Аёллар қаноти» ташаббуси билан жойларда қўллаб-қувватлаш учун яратилаётган натижасида қўллаб-қувватлов турмушига кўт-баракка кирганлиги ҳам тахсинга лойиқдир.

Давра суҳбати «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» мавзусидаги фильм намойиши билан якунланди.



## Ота-оналар учун қулайлик

Янги ўқув йили арафасида ота-оналар фарзандларига ўқув қуроллари, дарсликлар, кийим-кечаклар харид қилиш билан банд. Жойларда ташкил этилаётган мактаб ярмаркалари бу борада уларга қулайлик туғдирмоқда. Навоий вилоятида 2011-2012 ўқув йилига тайёргарлик кўриш доирасида кўплаб таълим муассасаларида мактаб бозорлари ташкил этилди. Уларнинг ўттиздан ортиги умумтаълим мактаблар қошида очилган. Вилоят халқ таълими бошқармаси маълумотларига кўра, Томди, Навбахор, Конимех, Нурота, Хатирчи ҳамда Кармана туманларидаги бир қанча мактабларда ана шундай ярмаркалар фаолият кўрсатмоқда. Уларга юзга яқин мактаб бириктирилган. Ушбу ярмаркалар орқали 10 сентябргача 27 номдаги бир миллион нусхадан ортиқ ўқув қуроллари сотувга чиқарилади. Харидорларга қулайлик яратиш мақсадида савдо шохобчаларига терминаллар ўрнатилган. Яхна ичимликлар савдоси йўлга қўйилган. Халқ таълими ходимлари томонидан ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари ўртасида ярмаркалар фаолияти тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Навбахор тумани халқ таълими бўлимининг саъй-ҳаракати билан туман марказидаги учта умумтаълим мактабидида мактаб ярмаркалари ташкил этилди. Уларда сотилаётган ўқув анжомларининг нархи нисбатан арзонлиги, сифати юқорилиги билан харидорларга манзур бўлмоқда.

— Ярмарка ташкил этилган Кескантерак қишлоғидаги мактаб бизга яқин, — дейди Бешработ қишлоғида яшовчи Жўрақул Алланазаров. — Ярмаркадан фарзандларимга китоб, дафтар ва бошқа зарур ўқув қуроллари сотиб олдим. Илгари бу нарсаларни харид қилиш учун вилоят марказига боришга тўғри келарди. Бундай қулайликлар барча ота-оналарга манзур бўлмоқда.

Ёрқул УМАР, ЎЗА мухбири

## Тадбиркорлар сони 366 тага кўпайди

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилининг ўтган етти ойида мустақил иш бошлаган 366 нафар тадбиркор энди истиқлолимизнинг 20 йиллик байрамини ишбилармон мақоми билан нишонлайдиган бўлди. Уларнинг 150 таси юридик шахс, 216 нафари эса яқка тартибдаги тадбиркордир. Тадбиркорликни яқинда бошлаган бизнес эгалари 800 нафардан зиёд маҳаллий ёшларни иш билан таъминладилар.

## «Ойсара»нинг ойдин йўллари

Энг улуг, энг азиз байрам арафасида «Ойсара» кўп тармоқли ишлаб чиқариш корхонаси қошида маиший хизмат мажмуаси ишга туширилди. Косон туман ҳокимлигидан олинган маълумотга кўра, мазкур мажмуанинг бунёд этилиши учун 117 миллион сўм миқдорда маблағ сарфланган. Айни пайтда у ерда 14 нафар мутахассис аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Мусурмон Рўзиев тайёрлади.

## КЕНГАШ ФАОЛИЯТИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИЛИШИ КЕРАК

О'zLiDeP Шайхонтохур туман кенгашининг VI ҳисобот-сайлов конференциясида бошланғич ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик аҳоли, айниқса, ёшлар орасида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш борасидаги ишлар реал натижалар бергани алоҳида таъкидланди.

Кенгаш раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Одиложон Ашировнинг фикрича, айни пайтда туманда 69 та бошланғич ташкилот бўлиб, улар ўз сафига 1899 нафар аъзони бирлаштирган ҳолда фаолият олиб бормоқда. Ҳисобот даврида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросини таъминлашда фаол иштирок этиш, ўзини ўзи бошқариш органлари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали ёшлар учун янги иш ўринлари яратиш масаласи асосан тадбиркорликни ривожлантириш орқали амалга оширилган.

— Бунда туман кенгаши аъзоси саналган 970 та тадбиркорлик субъектининг ҳиссаси катта бўлди — деди О.Аширов. — «Royal Gold Water» кўшма корхонаси, «Азиза Сайфи қизи» хусусий фирмаси, «Техносоаноат», «Қанот инвест» ҳамда «Менора» МЧЖ сингари ташкилотлардаги аъзоларимиз партия дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ниятда фаол иштирок этдилар. Улар томонидан 2011 йилнинг ўтган давридагина 500 дан зиёд янги иш ўрни ташкил этилди. Бундан ташқари кенгашнинг 80 дан ортиқ тадбирларида хусусий секторнинг жамиятда тутган ўрни юзасидан кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди. Шу ўринда партия аъзоларимиз кўмагида туманнинг «Катта



боғ» маҳалласида болалар учун спорт майдончаси, «Эшонгузар» маҳалласида 50 ўринга мўлжалланган маҳалла гузари курилиб, фойдаланишга топширилганини тилга олиш мумкин.

Конференцияда Президент Концепциясининг эълон қилиниши сиёсий партиялар зиммасига масъулиятли вазифаларни юклагани, бу эса уларнинг роли ва аҳамиятини ошириш лозимлигини англашди, албатта. Шундан келиб чиқиб, анжуманда туман партия ташкилотининг келгусидаги вазифаларига бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш лозим, деган қарорга келинди. Мажбур камчиликларни бартараф этиш, тадбиркорликнинг янги шакли — оилавий бизнесни ёшлар ва аёллар орасида омаллаштириш, бунда партия фаолларининг ўз ишига бўлган масъулиятини ошириш лозимлиги ҳам алоҳида таъкидланди.

Конференцияда О.Аширов О'zLiDeP Шайхонтохур туман кенгаши раислигига қайта сайланди.

## ЯНГИ БОСКИЧНИНГ ЯНГИ ВАЗИФАЛАРИ

Айни пайтда Шофирконда 31 та бошланғич ташкилот бўлиб, улардаги 560 нафар партия аъзосининг 57,8 фоизи ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш, тадбиркорлик ва фермерлик соҳаларида фаолият олиб бормоқда. Партия аъзоларининг 23,5 фоизи фан, таълим ва спорт тизими вакиллари, 20 фоизга яқини эса халқ ҳўжалигининг бошқа тармоқларида иш юрятаптилар.

— Деярли барча соҳаларда вакилларимиз бор, — деди О'zLiDeP туман кенгаши раиси Тўймурод Шамсиев. — Ҳисобот даврида БПТлар саъй-ҳаракати билан аҳоли орасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Айниқса, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловларда аёллар ва ёшлар қаноти тузилмалари ҳамда тарғибот-ташвиқот гуруҳи аъзолари жонбозлик кўрсатдилар.

Тадбирда «Ёшлар қаноти» томонидан 140 дан ортиқ турли тадбирлар ўтказилгани, улар ўз навбатида, ёш маслақдошлар сафини янада кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этгани алоҳида таъкидланди.

«Аёллар қаноти» томонидан ўтказилган 80 дан ортиқ турли мавзудаги ўқув-семинарлар ҳамда учрашувларда эса ўз

## Хўш, нега О'zLiDeP виллоят кенгаши мутасаддилари ёки бошқа кенгаш аъзолари Самарқанд шаҳар кенгашининг бундай мурасозлигига эътиборсизлик билан қараб келдилар? Ёки улар шаҳар кенгаши фаолиятдан, депутатлик гуруҳи ишидан беҳабармидилар? Бундай эътиборсизлик, энг аввало, виллоят кенгаши мутасаддиларининг, сен менга тегма, мен сенга тегмайман, қабилда иш тутишларининг оқибати эмасмикин?

бизнесини ташкил этиш истагидаги опа-сингилларимизга дастлабки кўникмалар ҳосил қилиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-ҳуқуқий билан ишларини ошириш имконияти яратиб берилди.

Конференцияда таъкидланганидек, ҳисобот даврида кенгаш аъзоларининг асосий эътибори бошланғич ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий ислохотлардаги иштироки, БПТларнинг сифат таркибини яхшилаш масалаларига қаратилди. Аммо конференция иштирокчилари бир қатор тадбиркорлик субъектлари ва ўзини ўзи бошқариш органларида БПТлар тузиш ва улар ишини жонлантириш ишлари султ олиб борилаётганига ҳам эътибор қаратилди. Партия гоя ва мақсадларини изчил тарғиб этишда ҳам туманда етарлича ишлар олиб борилмапти.

Гарчи музокараларда сўзга чиққанлар туман кенгашининг ҳисобот давридаги фаолиятини қоникарли баҳолаган бўлсалар-да, янги таркибга халқ депутатлари туман кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи билан ҳамкорликдаги ишларни кучайтириш, ечимини қутаётган муаммоларни ҳал этишда ушбу гуруҳ ваколати ва имкониятларидан самарали фойдаланиш, тадбиркорликнинг тажрибада синалган шакли — оилавий бизнесни янада ривожлантиришга эътибор кучайтириш зарурлигини тавсия этдилар.

Анжуманда Т.Шамсиев О'zLiDeP Шофиркон туман кенгаши раислигига қайта сайланди.

## ЛОКАЙДЛИК ПАРТИЯНИ РЕАЛ ҲАЁТДАН УЗОҚЛАШТИРАДИ

О'zLiDeP Самарқанд шаҳар кенгаши конференциясида қайд этилганидек, ҳисоб

бот даврида асосий эътибор аҳоли орасида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, бошланғич ташкилотлар сони ва сифатини оширишга қаратилди. О'zLiDeP Самарқанд шаҳар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Фармон Розиковнинг таъкидлашича, меҳнатга лаёқатли аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида тадбиркорликни тарғиб қилишга йўналтирилган юздан ортиқ учрашувлар ўтказилган.

Аммо конференцияда аксарият тадбирлар фақат ташкилий-тарғиботга қаратилган бўлиб, кенгашнинг кейинги уч йиллик фаолиятида бирор амалий ташаббус кўрсатилмагани таъкидланди.

Конференцияда, шунингдек, халқ депутатлари Самарқанд шаҳар кенгашида О'zLiDePнинг 18 нафар депутати бўла туриб, сессияларга ханузгача бирорта масала олиб чиқилмагани айтилди. Ҳолбуки, шаҳарда ечимини қутаётган масалалар оз эмас.

— Очиғи, конференцияда кенгаш фаолиятига нисбатан кескинроқ муносабатни кутган эдим, — дейди О'zLiDeP Булунгур туман кенгаши раиси ўринбосари Т.Раунов. — Зеро, шаҳар кенгаши фаолияти туманларга намуна бўлиши керак. Лекин шу кунгача Самарқандда бир неча бор сессия ўтказилган бўлса-да, аҳоли ёки тадбиркорлар олдига турган муаммолар масалалар вакилларимиз томонидан кўтарилмаган. Тадбирда иштирокчилар томонидан айтилган яна бир фикрга қўшиламан. Яъни, партия кенгашлари қошида ҳуқуқий маслаҳат бўлимлари ташкил этиш вақти келди.

Конференцияда кенгаш таркиби қайта тузилиб, келгусидаги режалар белгилаб олинди.

Аммо шу ўринда муаммолар масалаларни ҳал этиш

учун ҳисобот-сайлов конференциясини кутиш шартми-ди, дегинг келади. Айни пайтда Самарқанддек азим ҳудудда улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Янгидан-янги бинолар, кўприклар, йўллар куриляпти. Бу жараёнда асосан партия электорати бўлган тадбиркор ва ишбилармон юртдошларимиз фаол иштирок этмоқдалар. Депутатлар фаолияти эса ҳисобот-сайлов конференциясида айтилганидек, ана шу қизгин жараёнлардан орқада қолмоқда. Ваҳоланки, бугун депутатлардан ислохотларнинг етакчи кучи бўлиш талаб этилаётганини Самарқанддаги партия фаоллари англаб етмаётимилар? Хўш, нега О'zLiDeP виллоят кенгаши ёки бошқа кенгаш аъзолари Самарқанд шаҳар кенгашининг бундай мурасозлигига эътиборсизлик билан қараб келдилар? Ёки улар шаҳар кенгаши фаолияти

**XXI ASR**  
Ijtimoiy siyosiy gazeta  
Газетхонларимиз диққатига!  
«XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетасининг янгиланган сайти  
Ишга туширилганини маълум қиламиз.  
Веб-сайтга www.21asr.uz манзили орқали ташриф буюришингиз мумкин.

**Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat'iy, tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab tadbirsiz loqayd kishilardan yaxshidir.**

Хурматли тадбиркор ва ишбилармонлар!  
**ТАДБИРКОРЛИК ВА ФЕРМЕРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАРКАЗИ**  
нодавлат нотижорат ташкилоти хусусий бизнесни йўлга қўйиш, иш фаолиятингизга турли ноқонуний аралашувлар сабабларини таҳлил қилиб, уларни бартараф этишда сизларнинг энг яқин ҳамкорингиз ва кўмакчингиздир.

Фаолиятингизда бирор муаммо юзга келса, сира иккинчи йилга мувожаат этинг!  
Манзил: Мирзо Улughбек тумани, Қорасув 6 даҳаси 19-Г уй.  
Тел: 8 (371) 265-80-48; 265-73-17. E-mail: deputat.uz@rambler.ru

## Аёллар биринчиликка даъвогар

**О'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия кўмитасининг «Аёллар қаноти» томонидан ташкил этилган «Мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг ижтимоий мавқеи ва ролини ошириш: О'zLiDePнинг дастурий вазифалари» мавзuidaги тadbирда истиқлол йиллари аёллар ҳаётида ҳам муҳим аҳамият касб этгани алоҳида таъкидланди**

**Абулфайз САИИДАСКАРОВ,**  
**Наргиза КАХҲОРОВА,**  
«XXI ASR»

Ҳақиқатан ҳам ўтган 20 йилда аёлларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, уларнинг ўз иқтидори ва салоҳиятларини юзага чиқаришлари учун кенг шароит ва имтиёзлар яратиб берилди. 1998 йил — Оила, 1999 йил — Аёллар, 2000 йил — Соғлом авлод ва 2001 йил — Оналар ва болалар йили деб эълон қилиниб, давлат дастурлари орқали аёлларнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом бўлишлари учун тизимли чора-тадбирлар йўлга қўйилди. Бу эса она ва бола саломатлигини асраш, соғлом авлодни воёга етказишда муҳим аҳамият касб этди.

Натижада кейинги ўн йилда оналар ўлими 2 баробарга, болалар ўлими эса 3 баробардан ортққа қамайдди. Шу тарихда Ўзбекистон дунёнинг 125 давлати орасида хотин-қизлар учун қулай шароитлар яратиш ва оналикни муҳофаза қилиш борасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаган мамлакатга айланган.

Олий Мажлис ва маҳаллий вакиллик органларига номзод кўрсатишда хотин-қизлар учун қамиди 30 фоизли квота ажратиш сайлов қончилигида мустаҳкамлаб қўйилгани натижасида 2009 йилги сайловларда 33 нафар аёл Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайлангани ҳам хотин-қизларнинг сийёсий фаоллиги ошиб бораётганидан далолатдир.

О'zLiDeP дастурларидан келиб чиққан ҳолда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга эътибор қаратаёلمиз, — деди йиғилишда О'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси ўринбосари, «Аёллар қаноти» раҳбари Муҳлиса Акрамова. — Айниқса, аёлларнинг сийёсий-ҳуқуқий саводхонлигини ошириш орқали уларни тadbиркорликка жалб этиш масаласига жиддий аҳамият бераёلمиз. Чунки аёлларимиз тadbиркорликни бошлаш соҳасида етарли билимга эга бўлсаларгина ўз фаолиятларини ривожлантира оладилар. Шу маъсадда уларнинг ижтимоий-сийёсий фаоллигини, иқтисодий-ҳуқуқий билимларини ошириш, давлат ва жамият курилишидаги иштирокини янада кучайтириш борасида қатор чора-тадбирлар кўрилаяпти.

Анжуман иштирокчиларининг фикрича, «Юртбошимиз Концепциясида илгари сурилган устувор йўналишлар ижросини таъминлашда кенг жамоатчиликнинг, хусусан, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси бўлган хотин-қизларнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш лозим. Эеро, бугун О'zLiDePнинг парламент куйи палатасида 11, маҳаллий ҳокимият вакиллик органларида 351 нафар аёл депутат ва 5 нафар Сенат аъзоси фаолият кўрсатмоқда.

Партия фаолиятида ҳам аёллар мавқеи кундан-кунга юксалиб бормоқда. Айни пайтда партия аъзоларининг 63 миң нафарини хотин-қизлар ташкил этаётган бўлса, 2000 та бошланғич партия ташкилотига аёллар раҳбарлик қилмоқдалар.

— Мен истиқлолга оддий бир қишлоқ аёли эдим. У пайтларда ўзбек аёли ҳам мулкдор бўлади, ўз маҳсулотларини четга экспорт қилади, десак, ҳеч ким ишонмаган бўларди, — дейди Сурхондарё вилоятидаги «Тўлаган ўғли Эшонкул» фермер хўжалиги



### ЮРТБОШИМИЗ КОНЦЕПЦИЯСИДА ИЛГАРИ СУРИЛГАН УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР ИЖРОСINI ТАЪМИНЛАШДА КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИКНИНГ, ХУСУСАН, НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАР ҲАМДА ПАРТИЯНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ФРАКЦИЯСИ АЪЗОСИ БЎЛГАН ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИ ИМКОНИЯТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЛОЗИМ

раҳбари Иқбол Қодирова. — Мустақилликдан сўнг фермерлик ҳаракати бошлангач, 1,5 гектар ер олиб, фермер сифатида иш бошладим. Айни

пайтда 80 гектар ерим бор. Пахта, ғалла ва пилла етиштирирам. Давлатга хом ашё сотиш режаларини доимо ортиги билан бажариб кела-

ман. Тadbирда таъкидланганидек, аёлларнинг иқтисодий билимларини кучайтиришга алоҳида ёндашилгани учун ҳам хозирда партия аъзоларининг 20 миңдан ортиги тadbиркорлик билан шуғулланыяпти. Улар томонидан жорий йилнинг биринчи ярмида 5748 та янги иш ўрни яратилгани мамлакатимизда ўзбек аёлининг мавқеи ва салоҳияти тобора ортиб бораётганига яна бир мисолдир.

Йиғилишда бир гуруҳ фаол аёлларга О'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия кўмитасининг фахрий ёрликлари топширилди.



**Дилбар АКРАМОВА,** Ўзбекистон Кахрамони, Наманган вилоят «Мехр-шафқат ва саломатлик» жамғармаси раиси, О'zLiDeP фаоли:

— Истиқлол йиллари жуда қисқакдек кўринса-да, амалга оширилган ишлар асрларга татигуликдир. Бутун мамлакатимизда бўлганидек, Наманганда ҳам кутлуғ байрам арафасида замонавий иморатлар бунёд этиш, янги корхоналарни ишга тушириш, янги иш ўринлари яратишдек хайрли ишлар қизғин олиб борилаяпти. Хусусан, Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йиллининг ўтган даврида вилоятда 1729 та кичик корхона ташкил этилди. Эътиборлиси, уларнинг 400 таси санаят маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашгандир. Эришилаётган ютуқларимизда партиядош дугоналаримнинг ҳам муносиб ҳиссалари бор. Агар 2010 йилда вилоятимизда О'zLiDeP «Аёллар қаноти» ташаббуси билан жами 200 га яқин янги иш ўрни яратилган бўлса, ўтган ярим йилликда улар сони 225 тадан ошиб кетди.



**Сайёра СУЛАЙМОНОВА,** Тошкент вилояти Куйичирчиқ туманидаги «Ал Абусалом» хусусий корхонаси раҳбари, «Шухрат» медали соҳибаси:

— Биз, аёллар учун ўзлимизни намоён этадиган давр келди. Шундай экан, фақат уй-рўзгор юмушлари билан машғул бўлиб қолмай, иқтисодий-ишчиликни юксалтиришга ҳисса қўиш, аҳоли бандлигини таъминлашда ҳам фаол иштирок этиш бурчимиздир. 2002 йил оила аъзоларим билан макарон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган цех ташкил этган эдик. Хозир бу ерда 30 дан ортки ишчи-хизматчи меҳнат қилаяпти. Энг муҳими, Хитой инвестицияси ҳамда Халқ банкнинг 100 млн. сўмлик имтиёзли кредити эвазига замонавий ускуналар харид қилдик. Хозирда янги технология ёрдамида бир суткада 2-2,5 тонна нон ва қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқараямиз. Юртимизда тadbиркорлар учун кенг имкониятлар яратилгани туфайли рўзгоримиз бут, турмушимиз фаровон. Камтарин меҳнатларим давлат мукофотига лойиқ топилди. Бир аёл учун бундан ортки бахт борми?!



**Холисхон БОБОЕВА** Жиззах вилоятидаги «Кўхинур» хусусий корхонаси раҳбари:

— 1991 йил тadbиркорликни қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан бошлаганман. Дастлаб 17 нафар ишчи фаолият олиб борган корхонамизда хозирда 300 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаяпти. Биргина жорий йилнинг ўзида касб-хунар коллежлари битирувчиларидан 60 нафарини иш билан таъминладик. Корхонамизда йилига 400 миңга яқин шифер ишлаб чиқарилаяпти. Ўтган йили пиллани қайта ишлашга ҳам қўл урдик. Дастлабки натижалар ёмон бўлмади. 300 тонна пиллани қайта ишлаб, 70 тоннага яқин ипак маҳсулотли олдик ва Туркияга экспорт қилдик. Эрон билан ҳам шартномамиз бор. Айниқса, миллий матоларимиз атлас ва адреслардан тикилаётган пардаларимиз кўпчиликини қизиқтирапти.



**Зухра ДАВЛЕТОВА,** Жиззах вилояти Зафаробод туманидаги «Зухрахоним юлдузи» хусусий корхонаси раҳбари: — 2000 йилдан бунён оилавий тadbиркорлик билан шуғулланаман. Хозирда нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш хусусий корхонасининг эгасиман. Яқинда корхонамиз қошида 400 кишига мўлжалланган туйхонани ишга туширдик. Айни пайтда савдо мажмуасини қураёلمиз. Вилоятимиздаги тadbиркор аёлларнинг барчаси ана шундай эзгу мақсадлар йўлида елиб-югуришаяпти, десам, муболага бўлмайдди. Бу ҳам бўлса, Истиқлол шарофати, мамлакатимизда аёлларга кўрсатилаётган эътибор натижасидир.

## Сармоялар эзгу мақсадларга сарфланмоқда

**Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йилида молиявий барқарорликни таъминлаш, мулкый муносабатларни янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. «Агробанк» очик акциядорлик-тижорат банки жамоаси ҳам ислохотлар моҳиятидан келиб чиқиб, хизмат сифати ва маданиятини оширишга ҳаракат қилмоқда**



**Акбар МУЗАФФАРОВ,** «XXI ASR»

Банкнинг 12 та вилоят бошқармаси, 185 та туман ва шаҳар филиаллари қошида алоҳида тadbиркорлар хоналари ташкил этилиб, бу ерда кичик бизнес ҳамда хусусий тadbиркорлик фаолиятига оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар билан танишиш имконияти яратилди. Шунингдек, тadbиркорлик фаолиятини амалга оширишлари учун коллеж битирувчиларига тегишли тавсиялар ҳамда ўз бизнес лойиҳасини ишлаб чиқишда таклиф ва кўрсатмалар ҳам бериб боришмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида кичик бизнес субъектлари ривож учун 193,8 млрд. сўм кредит ажратилиб, шу



### ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЎТГАН ДАВРИ МОБАЙНИДА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ РИВОЖИ УЧУН 193,8 МЛРД. СЎМ КРЕДИТ АЖРАТИЛИБ, ШУ ҲИСОБДАН ҲУДУДЛАРДА 22811 ТА ЯНГИ ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛГАН ЭЪТИБОРГА МОЛИКДИР. МИКРОКРЕДИТЛАР ҲАЖМИ ЭСА 48,5 МЛРД. СЎМНИ ТАШКИЛ ЭТДИ

ҳисобдан ҳудудларда 22811 та янги иш ўрни яратилгани эътиборга моликдир. Микрокредитлар ҳажми эса 48,5 млрд. сўмни ташкил этди.

Хонқа туманидаги «Жалолидин Довутбек Давлатбек» фермер хўжалиги «Агробанк»нинг молиявий кўмагида чорвачилик ва паррандачиликни жадал ривожлантиришга эришмоқда. Бугунги кунда фермер хўжаликда яна 15 киши муҳим иш ўрнига эга бўлди. Хозирда хўжаликда 5000 бош парранда ва 10 бош насли қорамол парвариш қилинмоқда.

— Банкнинг Янгиқўрғон туман филиали кўмаги билан фермер хўжалигимизда интенсив боғ барпо этиш учун 27,5 миллион сўмга Сербиядан олма, гилос кўчатларини олиб келдик, — дейди. «Низомидин хусни Жамол» фермер хўжалиги раҳбари Хуснидин Тураҳўжаев. — Бунинг эвазига 8 та янги иш ўрнига эга бўлдик. Фермер хўжалигимизни янада ривожлантириб, имкониятларини кенгайтириб, иш ўринларини кўпайтирмоқчимиз.

Табиийки, жойларда чорва туёқ сонини ошириш, бозор пештахталарида гўшт, сут маҳсулотлари серобгарчилигини таъминлаш алоҳида аҳамиятга эгадир. Ана шу мақсад йўлида қисқа вақт орасида банк томонидан 5,2 млрд. сўм кредит ажратилди. Тайёр ва ярим тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариб, эл-юрт дастурхони тўкичилиги йўлида астойдил меҳнат қилаётган тadbиркорлар ҳам молиявий жиҳатдан ўз вақтида

тadbиркорлик йили мен учун ниҳоятда омадли келди, — дейди Муяссар Бўстонава. — Яқинда «Агробанк»нинг Жомашўй филиалидан 25 миллион сўм сармоя олиб, «Жомашўй гузари» масъулияти чекланган жамиятини ташкил қилдим. Қолаверса, бу ерда 8 киши иш билан банд этилди. Айни пайтда миллий ва замонавий услубдаги либослар тикаялмиз. Яратилган имтиёз ва имкониятлар биз каби тadbиркор аёлларга қанот бўлмоқда.

«Агробанк»нинг Наманган вилоят бошқармаси ҳам тadbиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш бўйича 2011 йилнинг ўтган даври мобайнида жами 1 миллиард 37 миллион сўм миқдорда ажратилган кредитлар ҳисобига 345 та янги иш ўрни яратилди.

Юртимиз хунармандлари томонидан тайёрланган буюмлар азал-азалдан етти иқлимга машҳур бўлган. Истиқлол йилларида бу борада янада кенг имкониятлар яратилди. «Агробанк» ўз молиявий имкониятларидан келиб чиқиб, оилавий бизнес ва хунармандчиликни ҳам қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 2 млрд. 896 млн. сўм маблағ ана шу мақсадлар учун йўналтирилди. Ёш оилаларни моддий ва маънавий рағбатлантиришга 5,6 млрд. сўм, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 11,1 млрд. сўм миқдорда кредит сармоясини ажратилгани ҳам диққатга сазовордир.

Жорий йилда агросаноат корхоналарида ишлаб чиқаришни кенгайтириш, истиқболли лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида Осиё Тараққиёт банки маблағлари ҳисобидан 8 млн. АКШ доллари миқдорига сармоя ўзлаштирилиши белгиланган эди. Хозиргача ана шу маблағнинг тенг ярми режалаштирилган ишларни амалга ошириш учун йўналтирилди.

Бир сўз билан айтганда, «Агробанк» хизмат кўламини тобора кенгайтирмоқда. Мақсад агросаноат тизимини, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ўз вақтида молиявий қўллаб-қувватлаш, иқтисодий раванқини жадаллаштириш ва шу орқали аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшишдан иборатдир.

## «Локомотив»нинг осон кечмаган йўли

XXI асрда дунё иқтисодийтини оғир синовларга дучор этган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида жами 30 миллион фуқаронинг ишсиз қолгани жаҳон миқёсида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка бўлган муносабатни тубдан ўзгартириб юборди

Файзулло  
АБДУЛБОКИЕВ

Ҳа, чиндан ҳам тадбиркорлик — ҳар қандай давлатнинг таянчи ва суянчи эканини амалда исбот этди. Бу соҳага оид қонунлар эса бозор ислохотларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Глобаллашув жараёнлари тобора қизгин паллага киратган айтилган иқтисодий макондан муносиб ўрин эгаллаш ва ана шу мавқени сақлаб қолиш борасидаги кураш ҳам шунчалик кескинлашиб бораётти. Бу жараёнда, шубҳасиз, юксак технологиялар асосида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаётган давлатларгина ривожланиб бормоқдалар.

Маълумки, XX асрнинг 50-йилларида дастлаб АКШни камраб олган тадбиркорлик тўлиқни бора-бора Фарбий Европа, Япония ва «янги санаотлашган давлатлар»га ҳам ёйила бошлади.

70-90-йилларда эса Фарбда кичик ва хусусий бизнесдан кўра хорижда ўз шўба қорхоналарига эга бўлган йирик санаот бирлашмаларининг ўсиш даври бўлганини эътироф этиш мумкин. БМТ маълумотларига қараганда, 90-йилларда дунёда транс-миллий корпорациялар сони 13 мингтадан ошиб кетган, яқин-яқинларга ҳам улар Фарб мамлакатларидаги маҳсулот экспортининг тахминан 50 фоизини, капитал экспортининг 90 фоизини таъминлаб қолмай, глобал молиявий инқироз даврига қадар банк ва сугурта операциялари, кредит тизими, сайёҳлик, хизмат кўрсатиш тармоқларида ҳам қарвонбоши эдилар. Аммо корпорацияларнинг ҳаддан ташқари йириклашуви ташаббус ва изланувчанликнинг сўнишига, кетма-кет хатоларга йўл қўйилдики, бу глобал инқирозга олиб келди.

Шу ўринда ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб «мода»га кирган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик қорхоналарининг бардошлилиги ва мосланувчанлиги йирик монополиялар ҳукмронлиги тўғрисидаги қарашлар чўпчак эканини исботлаганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Буни АКШда ўртача 20 кишидан иборат иш ўрни яратган кичик тадбиркорлик субъектлари мамлакатда яратилган жами иш ўринларининг 60 фоизини ташкил этгани ҳам тасдиқламоқда. Биргина хизмат кўрсатиш соҳасида 25 миллион америкалик иш билан таъминланган бўлса, йирик корпорациялар, аксинча, 3 миллион иш ўрнини қисқартиришга мажбур бўлдилар. Бугунги глобал инқироз шароитида ҳам йирик қорхоналар 30 миллион ходимини ишдан бўшатишга мажбур бўлган бўлса, дунё миқёсида кичик ва хусусий бизнесга бўлган муносабатни тубдан ўзгартиришга олиб келди.

Шу ўринда кичик қорхоналарнинг мезони ҳам турли мамлакатларда турлича эканини таъкидлаш керак. Масалан, Англияда 200 нафардан кам, қурилиш соҳасида эса 25 кишидан ортқ бўлмаган, АКШда эса 20 нафардан 500 нафаргача иш ўрни яратилган қорхоналар кичик бизнес субъектлари, деб юритилади. Айтилган АКШда ишлаб чиқарилаётган ялпи миллий маҳсулотнинг 40 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган бўлса, Германияда учдан икки қисми 2,1 миллионга яқин майда ва ўрта бизнес субъектлари ҳиссасига тўғри келапти. Францияда тахминан 12 миллион ишчининг инвестициялардаги улуши 48, савдо айланмасида 60,2, экспортда 49,6 фоизни ташкил этади. Европа Иттифоқидаги ишчи кучининг 76 фоизи кичик ва ўрта қорхоналарда фаолият кўрсатаётгани ҳам кичик бизнеснинг қудрати нечоғли салмоқли эканидан далолат беради.

Шу ўринда табиий савол туғилади. Трансмиллий бизнес куч-қудратига қарамай, нега кичик ва ўрта тадбиркорликнинг аҳамияти бу қадар ортиб бораётти? Экспертларнинг фикрича, бунинг бир неча сабаблари бор. Аввало, оилавий бизнес асосида ётган «яратувчанлик тамойили» кичик қорхоналар бардавонлигини таъминламоқда. Ҳар бир тадбиркор рақобат муҳитида яшаб қолиш учун, албатта, ўз маҳсулотининг сифати ва самарадорлигини оширишга интилиши табиийдир. Истеъмолчилар эҳтиёжини ўрганиш мақсадида одамлар билан доимий мулоқотни йўлга қўйиш, улар эҳтиёжини келиб чиқиб

товар яратиш, янгилик йўлидан бориш ҳам бундай қорхоналар яшовчанлигининг яна бир сиридир.

Кичик бизнесни ривожлантиришда Япония ўзига хос мактаб ярата олган камсонли давлатлардан бири ҳисобланади. Унинг жаҳон бозоридан муносиб ўрин эгаллашида ишлаб чиқариш жараёнларини тезлаштириш, янги технологияларни ўзлаштириш, маҳсулот сифатини ошириш борасида «Сифат назорати» тўғрисидаги таҳсил олган мутахассисларнинг ўрни бекиёс бўлганини таъкидлаш жоиз. Дарҳақиқат, Япония ва Жанубий Корея каби табиий бойликлари чекланган давлатлардаги шароит доимий жонсарақликни, кўпроқ ақлга таянишни талаб этади. Улар айнан ана шу тамойилларга асосланиб, жиддий ютуқларга эришдилар.

Ҳаётнинг турли соҳа ва жабҳаларини камраб оладиган, уларни ривожлантириб, жамиятни ҳаракатга келтирадиган тадбиркорликнинг ишсизлик муаммосини юмшатишда ҳам ўрни каттадир. Кўплаб мутахассислар ана шундай шароитда кичик бизнес янги технологияларни ҳаётга татбиқ этишининг йўлбошчисига айланганини баралла гапира бошладилар. Чунки ўтган давр кичик биз-несс иқтисодийни бошқаришнинг самарали шакли эканини амалда исботлади.

Шу ўринда Юртбошимизнинг Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ташаббускор гуруҳи аъзолари билан учрашувида Ўзбекистонни ҳар томонлама тараққий толган жамият ва давлатга айлантиришда, халқимизнинг ҳаётини муносиб даражага кўтар-иш ва халқаро обрўини юксалтиришда тадбиркор ва ишбилармонлар ўрни юқори эканини бежиз таъкидламаганини эсга олмақ жоиз.

Кейинги йилларда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш осон кечмади. Германиянинг «Сименс» акционерлик жамияти марказий бошқаруви аъзоси дунё буйи-ча таниқли бизнесмен, доктор Фолкер Юнг 1995 йил май ойида Ўзбекистонда шу жамиятнинг ваколатхонаси очилиши муносабати билан берган интервьюсида шундай деган эди: «Сизнинг республикангиз бозор иқтисодиёти алифбосини ўрганапти. Айниқса, катта ёшдаги авлод бозор муносабатларига анча қийинчилик билан ўтаётти. Шундай бўлиши табиий, албатта. Режали давлат бошқаруvidан эркин фаолиятга ўтиш осон иш эмас. Бизнес тилини ўрганишни мактаб ёшидан бошлаш керак. Умумтаълим дарслари билан бир қаторда маркетинг, менежмент, чет тиллар, компьютер техникиси ва дастурлаш сирларини ҳам эгаллаб бориш керак».

Таърибли мутахассислар фикрича, тадбиркор биринчи навбатда кузатувчан бўлиши шарт экан. Масалан, америкалик машҳур миллиардер Нельсон Рокфеллер кўчадан Англияда ишлаб чиқарилган эски тўғноғични топиб олиб бой бўлган. У тўғноғични сотиб, пулига иккита янги сини харид қилган ва шу тариқа босқичма-босқич йирик ишбилармонга айланган.



Иккинчидан, тадбиркорга таваққулчилик ҳам керак. 1984 йилда 19 ашар Майкл Делл компьютерлар савдоси бўйича ўз ишини бошлаганида атиги бир неча йилдан кейин унинг фирмаси IBM ва Соптрад каби хусусий компьютерлар ишлаб чиқарувчи йирик компаниялар қаторидан ўрин олишини ҳеч ким ҳаёлига ҳам келтирмаган эди. Компьютерларни «телефон орқали» ва бунинг устига атиги 100 долларга сотиш госяни айланмаси 2 миллион долларни ташкил этувчи бизнесга айланганди. Уни Фарбда компьютер индустриясининг афсонавий қаҳрамони, деб аташлари ҳам шундан.

Шубҳасиз, ҳар қандай жамиятда у ёки бу қатлам манфатларини, хоҳиш-иродаси ва орзу-истакларини рўйбга чиқаришга интиладиган ҳаракатлар, бирлашмалар ва сиёсий партиялар бўлади. Улар давлатнинг қонунчилик органи-ларига у ёки бу даражада таъ-сир ўтказишга уриниб, ўз ҳимоясидаги қатламга кўмак берадилар. Масалан, АКШда Савдо палатаси бизнесменлар олдида турган биринчи даражали вазифалар хусуси-да ҳар йили мамлакат прези-дентига ҳисобот бериб бора-ди. Бу маълумотлар булғуси сиёсий йўналишларни шакл-лантириш, амалий қарорлар қабул қилишда қўл келади.

Бошқа бир мамлакатларда эса ислохотларнинг жадалла-шишига кўмаклашиш мақса-дида «Мия» марказлари деб юритилувчи илмий-тадқиқот муассасалари изланишлар

олиб боради. Улар одатда ху-сусий секторга оид қабул қилинаётган қонунларнинг камчилик ва афзалликларини назарий жиҳатдан тадқиқ этиб, бу ҳақда депутатларни огоҳ этадилар. Доминикан Республикасида 1985 йил таш-кил этилган Иқтисодий йўна-лиш маркази, Перудаги Озодлик ва демократия ин-ституту каби «марказ»лар ҳам ислохотларни муваффа-қиятли олиб боришда муҳим роль ўйнаганини алоҳида таъ-кидлаш жоиз. Германиядаги санаотчилар бирлашмаси эса тадбиркорларнинг қонунчилик соҳасидаги муаммоларини ечиш ва уларнинг қонун чиқарувчилар билан алоқаларида кўпроқ вазифасини ўтамоқда.

Хиндистон эса бошқа йўлдан борди. Кичик бизнес-нинг ривож кўпинча мамла-катга трансмиллий компания-лар (ТМК)нинг кириб келиши-га боғлиқ бўлди. Аста-секин улар субпудрат тизимида иш-лайдиган кичик қорхоналар-нинг периферияли тузилма-сига айланадилар.

Йирик хорижий инвестор-лар ва кичик қорхоналар ҳам-корлигининг энг кенг тарқал-ган усули франчайзинг шар-тномаларидир. Бунда кичик қорхоналар машҳур компани-яларнинг товар белгилари остида маҳсулот ишлаб чиқар-иш ҳуқуқини берувчи лицен-зияга эга бўлишади. Эвазига уларга даромаддан маълум фои-за ажратилади. Франчай-зерлар ўз ҳамкорларини за-монавий технологиялар, зару-р материаллар билан таъ-минлашади, ходимларини ўқитишади.

90-йилларнинг ўрталарида Хиндистон кичик санаот уюш-малари Федерацияси япон кичик қорхоналарига Америка ва Европа компаниялари билан тенгма-тенг рақобатла-шиш имконини берган Япо-ниянинг субшартнома тизими-дан фаол фойдаланишни

ёқлаб чиқди. Хиндистонлик ишбилармонлар хорижий ше-риklar излаб Америка ва Евро-пога жўнай бошладилар. Ушбу саёхатларнинг натижаси ўлароқ, Хиндистоннинг кичик санаотига Европа кичик биз-несси томонидан инвестиция киритиш тўғрисидаги шарт-номалар имзоланди.

Айниқса, мамлакат дастур таъминотини яратиш бўйича хизматлар секторини йўлга қўйиш борасида кичик бизнес ёрдамида эришилган салмоқ-ли ютуқларни алоҳида таъ-кидлаш мумкин. Ҳозирда Хин-дистон — бу йўналишдаги етакчи давлатларидан бири.

2003 йилдаёқ дастур таъми-нотининг экспорти мамлакат умумий экспортининг 30 фои-зини ташкил этар эди. Бугун-га келиб, Хиндистон дунё ком-пьютер софт бозорининг 21 фоизини назорат қилаётгани ҳам кичик бизнес таърибаси ўзини оқлаганини кўрсатади.

Шу ўринда Фарб олами ва собиқ коммунистик давлат-ларда тадбиркорликка муно-сабат яқин вақтларгача тубдан фарқ қилганини унутмаслик керак. АКШда тадбиркорга пул топа олувчи, мулқ нуфуз-ли, фаол ва ишбилармон ки-ши сифатида қарашади, ҳур-мат қилишади. Бирок ай-рим мамлакатларда ўтказил-ган тадқиқотлар жамиятнинг тадбиркорларга нисбатан сал-бий муносабати ҳамон юқори бўлиб қолаётганини кўрсат-моқда. Олимпларнинг фикрича, бу кўпроқ коллективизмга хос анъаналар сақлаб қолинган давлатларга тўғри келади.

Шунга қарамай, иқтисо-дийни модернизация қилиш, ислохотларни муваффақият-ли амалга оширишнинг гаро-ви тадбиркорлик бўлиб қола-вериши, шубҳасиздир. Нега-ки, дунё яратилганидан буён тадбиркорлар ва ишбилар-монлар аҳли давлатнинг таян-чи ва суянчи, жамиятнинг ус-туни бўлиб келган.

### Жереми Кэмеронни қўлламоқда



Буюк Британияда содир бўлган қўча тартибсизликларидан сўнг мамлакат мутасаддилари тобора авж олаётган жиноятчилик билан курашиш ва полициянинг ролини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида бош қотирмоқдалар. Таниқли мансабдор, бизнесмен ва сиёсатчиларни бирлаштириб турувчи сўл-консерватив Британия клубининг раиси Жереми Брэдшонинг таъкидлашича, қарийб тўрт кун давом этган оммавий тартибсизликлар фуқароларнинг полицияга нисбатан ишончига путур етказган. У АКШ телеканалига берган интервьюсида содир бўлган воқеалар учун сиёсий баландларвоз гоёларга таяниб, полиция ҳаракатларини чеклаб қўйилишида ҳукуматнинг «ок суяк қатлами» айбдор эканини таъкидлаб, Скотланд Ярдга Лос-Анжелес полициясининг жиноятчиларга нисбатан қўлланадиган «ноль даражадаги сабрлилик» таърибасидан фойдаланиш кераклиги ҳақидаги Кэмерон фикрига қўшилишини маълум қилган.

### Йўқ «ҳукумат»га номзод кўрсатилди

Ангела Меркел ва Никола Саркози сешанба куни Парижда бўлиб ўтган учрашувдан кейинги матбуот анжуманида Франция ва Германия евроҳудуднинг 17 мамлақати кафолати билан чиқарилган ягона облигациялар айти вақтда кўхна қитъа қарзлари билан боғлиқ муаммони ҳал эта олмади, дея баёнот бердилар. «Еврооблигациялар қарздорлик муаммосини ҳал этиши мумкин бўлган сўнгги восита эмас. Биз бу муаммони бошқа йўл билан ҳам еча оламиз» дея таъкидлади Германия канцлери. Франция президенти эса ўз навбатида еврооблигацияларни чиқариш кредит салоҳияти юқори бўлган мамлакатларни хавф остига қўйиш билан баробарли эканини таъкидлаган. Учрашувда Саркози ва Меркел евроҳудуд иқтисодий ҳукуматини тузиш таклифини билдиришди. Унга кўра, 17 мамлақатни камраб оладиган Европа иқтисодий ҳукумати Кенгаши раис бошчилигида бир йилда икки мартаба ййгилади. Ушбу лавозимга Германия ва Франция етакчилари ЕИ президенти Херман ван Ромпей номзодини тавсия этишди.

**КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

Хурматли ишбилармонлар ва тадбиркорлар!  
Тижорат банклари томонидан банк хизматлари кўрсатишда қонун ҳужжатларига риоя этилмаслик ҳолатларига йўл қўйилаётган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ёки унинг ҳудудий Бош бошқармаларида мунтазам ишлаб келаётган

**«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ»га**  
кўнгирак қилишингиз мумкин.  
Мутахассислар томонидан Сизнинг мурожаатингиз қисқа муддатда кўриб чиқилиб, уларда кўтарилган масалаларни қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этиш юзасидан барча зарурий чоралар кўрилади.

**«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ»НИНГ РАҚАМЛАРИ:**

1	Марказий банкнинг республика аппарати	(8 371)	212-61-95, 212-61-96
2	Қорақалпоғистон Республикаси	(8 361)	224-12-02
3	Андижон вилояти	(8 374)	224-45-97
4	Бухоро вилояти	(8 365)	223-01-32
5	Жиззах вилояти	(8 372)	226-28-38
6	Қашқадарё вилояти	(8 375)	221-11-32
7	Навоий вилояти	(8 436)	226-10-97
8	Наманган вилояти	(8 369)	226-41-11
9	Самарқанд вилояти	(8 366)	231-08-69
10	Сурхондарё вилояти	(8 376)	227-52-71
11	Сирдарё вилояти	(8 367)	228-74-28
12	Тошкент вилояти	(8 371)	244-73-25
13	Фарғона вилояти	(8 373)	224-09-38
14	Хоразм вилояти	(8 362)	226-18-95
15	Тошкент шаҳри	(8 371)	212-62-58

Шунингдек, Интернет орқали ҳам мурожаат қилишингиз мумкин:  
webmaster@cбу.uz, info@cбу.uz  
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

# «ШҶРТАНГАЗКИМЁ»

## МАЖМУАСИ ЖАМОАСИ

*Ўзбекистон халқини  
тобора яқинлашиб келаётган*

# Мустақиллик байрами

*билан самимий муборакбод этади.*

**Юртимизни файзу барака, қалбимизни шоду хуррамлик  
ҳеч қачон тарк этмасин, қадрли ватандошлар!**

# 20 йил

**Қутлуғ кунда**

**билдирилаётган**

**барча эзгу тилаклар**

**ижобат бўлсин!**

